

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ  
ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В - У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши: Таълим тизими менежменти  
ва Таълим сифати менежменти**

**Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари**

**Тошкент – 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ  
ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2019**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил “2” ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТАТУ ҳузуридаги ПКҚТваУМО тармоқ маркази директори, п.ф.д., проф. Ф.Закирова,

**Тақризчилар:** М.Якубов - ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси профессори, ф-м.ф.д.

**Ўқув -услугий мажмуа БИММ Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2019 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли баённома)**

## МУНДАРИЖА

<b>I. Ишчи дастур.....</b>	<b>5</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....</b>	<b>12</b>
<b>III. Назарий материаллар .....</b>	<b>199</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари .....</b>	<b>75</b>
<b>V. Глоссарий .....</b>	<b>87</b>
<b>VI. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>98</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш – замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнлари самарадорлигини таъминловчи касбий таълим мазмунини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим

мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантирди. Шу асосда, бугунги кунда таълим сифатини оширишга, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан куроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Таълимда инновацион технологияларни қўллашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Замонавий таълим тизимидаги педагогик инновациялар” модулининг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, тингловчиларнинг олий таълим муассасаларидаги бошқарув, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятларни модернизациялаш, илғор тажрибаларни жорий этиш, инновацион технологияларининг моҳияти ва уларни амалиётга татбиқ этилишини таъминлашнинг зарурий шарт-шароитлари ва омиллари ҳақидаги мавжуд билимларини чуқурлаштириш, инновацион компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

**“Замонавий таълим тизимидаги педагогик инновациялар” модулининг вазифалари:**

- олий таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялар (модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш) асосида муассасаларидаги бошқарув, ўқув, услубий ва илмий-тадқиқот жараёнини модернизациялашнинг зарурий шарт-шароитларни белгилаш;

- ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ

этилишини таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга йўналтириш;

- раҳбар кадрларнинг таълим менежменти ва таълим сифати менежменти борасидаги инновацион компетентлигини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Замонавий таълим тизимидаги педагогик инновациялар”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- олий таълимнинг бошқарув тизими, ўқув-тарбия жараёни, педагогнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятини модернизациялаш масалалари ва унинг асосий йўналишлари; инновацион таълим технологияларининг моҳияти; ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини, креатив усулларини татбиқ этиш йўллари; педагог кадрларнинг инновацион компетентлигини ривожлантиришга қўйиладиган замонавий талаблар; таълим тизимини замонавий тенденцияларни, таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш хусусиятларини **билиши** керак;

- олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш; инновацион фаолиятни такомиллаштириш; электрон таълим ресурсларини ўқув жараёнига фаол татбиқ этилишини ташкил этиш; кейс-стади, креатив усуллар, таълим мазмунини янгилаш, компетенцияларга асосланган ўқитишни ташкил этишга оид инновацияларни амалиётга татбиқ этиш **кўникма ва малакаларига эга бўлиши** зарур;

- таълимдаги инновацион жараёнларни тизимли таҳлил этиш ҳамда таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувларини амалиётга татбиқ этилишини мувофиқлаштириш; компетентли ёндашув асосида ўқув жараёни ташкил этиш ва бошқариш; ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятга инновацион технологияларини жорий этишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Замонавий таълим тизимидаги педагогик инновациялар”** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:



- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон ҳукуматни жорий этишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Таълимдаги замонавий тенеденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш.	4	2	2	
2.	Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш. Компетенцияларга асосланган ўқитиш.	4	2	2	
3	Олий таълимни бошқариш тизимидаги инновациялар. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси. Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар.	4	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>12</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-Мавзу: Таълимдаги замонавий тенеденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш.**

Таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенеденциялари. Олий таълим тизимида глобализация жараёни ва унинг хусусиятлари. Олий таълимни модернизациялаш жараёни. Олий таълимни халқаролаштириш ва унинг шакллари. Олий таълимни инсонпарварлаштириш жараёни.

### **2-Мавзу: Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш. Компетенцияларга асосланган ўқитиш.**

Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион фаолиятнинг босқичлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Инновациянинг хаётий цикли. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси. Олий таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологиялари (интерактив технологиялари, креатив усуллар, электрон таълим ва х.к) ни амалиётга жорий этиш. Компетенцияларга асосланган ўқитиш мазмуни, усул ва воситалари.

### **3-Мавзу: Олий таълимни бошқариш тизимидаги инновациялар. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар.**

Олий таълимни бошқариш тизимидаги инновациялар. Инновацион менежментнинг асосий вазифалари. Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-амалий машғулот: Таълимдаги замонавий тенеденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш. ( 2 соат)**

Ўз соҳасига оид таълимдаги замонавий тенеденцияларни аниқлаш, уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, класстер яратиш.

**2-амалий машғулот: Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш.**

**Компетенцияларга асосланган ўқитиш.**

**(2 соат)**

1. Ўз инновацион фаолиятини SWOT-таҳлилини қилиб бериш.
2. Ўз кафедрасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тузиш.

**3-амалий машғулот: Олий таълимни бошқариш тизимидаги инновациялар. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар.**

**(2 соат)**

1. Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибаларни аниқлаш ва уларни таълим тизимига татбиқ этиш йўллариини таклиф этиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

# II БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «Блум кубиги» методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
  - **Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)**
  - **Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)**
  - **Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)**
  - **Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)**
  - **Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)**
  - **Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)**
2. Ўқитувчи мавзунини белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### “KWLH” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Изоҳ. KWLH:**

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишни хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсам бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

<b>“KWL” методи</b>	
<b>1. Нималарни биламан:</b> -	<b>2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b> -
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b> -

#### **“W1H” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олти саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• хавфлар

### “БЕЕР” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Беер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.



### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



**Тест**

**Муаммоли вазият**

**Тушунча таҳлили  
(симптом)**

**Амалий вазифа**

### “Инсерт” методи

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

# Ш БЎЛИМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-мавзу: Таълимдаги замонавий тенденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш (2 соат)**

Режа:

- 1.1. Олий таълим тизимини модернизациялаш.
- 1.2. Олий таълим тизими ва глобализация, халқаролаштириш.
- 1.3. Олий таълим тизими ва инсонпарвалаштириш.

**Таянч тушунчалар:** модернизация, эволюция, революция, глобализация, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш.

#### **1.1.Олий таълим тизимини модернизациялаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси туғрисида» ПФ-4947 сонли фармонида Мамлакатимизда таълим сифатини яхшилаш буйича **Харакатлар стратегиясининг IV-йўналиши Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**<sup>1</sup> да «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» 4.4.бандида келтирилиб, унда:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февральдаги ПФ-4947 сонли фармони

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш деб белгиланган.

Ушбу вазифалар таълим тизимини модернизациялашга олиб келади.

**Модернизация** - (лотинча - *moderne* – энг янги) – такомиллаштирилган, яхшиланган, янги талабаларга жавоб бера оладиган деган маънони билдиради.

Модернизация жараёнига бир қанча ёндашувлар мавжуд:

1. Дихтомик ёндашув. Бунда модернизация жараёни анъанавий ҳолатдан замонавий ҳолатга ўтиш деб қаралади.
2. Тарихий ёндашув. Тарихий тараққиёт, ўзгаришлар ва революциялар нуқтаи назаридан талқин этилади.
3. Инструментал ёндашув. Ўзгариш воситалари ва усуллари нуқтаи назаридан талқин этилади.
4. Ментал ёндашув. Дунёқарашнинг ва руҳиятнинг тарнсформацияси нуқтаи назардан талқин этилади.
5. Цивилизация. Замонавий цивилизациянинг ёйилиб бориши нуқтаи назаридан талқин этилади.

Модернизация парадигма сифатида XX асрнинг ўрталарида АҚШ да шаклланди. Модернизациянинг икки тури ажаратилади:

- А) Органик (Ички резервлар ҳисобига трансформацияни ўтказиш).
- Б) Ноорганик (Трансформация ташқи ресурслар асосида амалга оширилади).

Модернизация жараёни йўналтирилган ҳар бир объектнинг бу жараёндаги тўлиқ иштирокини таъминлаш ҳам асосий масалалар қаторига киради (давлат, таълим тизими, иқтисодиёт ва бошқа тармоқлар, ижтимоий институтлар, жамият, оила).

**Таълим тизимининг модернизацияси** – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг замонавий технологиялар асосида такомиллаштирилиши.

Мазкур модернизация шахсни ўқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ва бойитган ҳолда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимининг барча соҳаларини тўла камраб олади ва жамиятда қарор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади<sup>2</sup>.

Таълим тизимининг модернизациялашда қуйидаги устувор вазифалар ҳал қилинади:

- ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш;
- замонавий таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш;
- давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш;
- таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошқарувида асосланганлик тамойилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчилари – талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш.

Барча давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон шароитида ҳам таълим

---

<sup>2</sup> Модернизация образования // <http://www.gov.karelia.ru/Leader/Gossovvet/d14.html>.

тизимини модернизациялашда давлат, жамият, маҳаллий ва ижтимоий ташкилотлар, юқори ҳамда қуйи бошқарув органларининг ўрни ва роли, улар ўртасидаги ўзаро бирлик, ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий шароитда таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари қуйидагилар саналади:

- электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш;
- ўқитишнинг мавжуд ва инновацион технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштириш;
- ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг талабалар томонидан мустақиллик ўзлаштирилиши учун қулай педагогик ва технологик шарт-шароитларни вужудга келтириш.

## **1.2. Олий таълим тизими ва глобализация, халқаролаштириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг жамият истиқболдаги ривожига оид қарашларида миллий қадриятлар баркамол авлодни жамият ҳаётига тайёрлашда давлат аҳамиятига молик вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланади. Ҳозирги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, таълим тарбия тизимини тубдан ислох қилиш жараёнлари жамият муҳити энг аввало, глобаллаштириш жараёнини ва уни таълим тизимига таъсирини муаммосининг таълим ва илмий муҳитга алоқада бўлиб келмоқда. Ўқитувчилар ва талабалар турли мамлакатларда амалиёт ўташ, грантларни қўлга киритиш, чет элда нашр этиш. Кўпгина университетларда халқаро алоқалар бўлими пайдо бўлди, академик уйғунлик ривожланмоқда: хорижий ўқитувчилар ва талабалар вилоятларга келиб, университетлар хорижий шериклар билан биргаликда дастурларни амалга оширадилар.

Дунёдаги кўпгина университетлар учун таълим жараёнини халқаролаштириш бугунги кунда таълим, тадқиқот ва бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Умуман умумлашма маданиятларнинг ўзаро бойлигини англатади. Таълим мазмуни бўйича таълим

муассасаларининг халқаро ўқув муҳитига интеграциялашуви, талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинувини мустаҳкамлаш ва таълим тизимларини уйғунлаштиришга тааллуқлидир. Таълимни халқаролаштириш глобаллашув ва инқилоб жараёнларидан мулоқот воситасида туғилади. Дунёнинг давом этаётган қатъий ўзгаришлари жамиятнинг барча муҳитлари, жумладан, олий таълим муҳитига ҳам зиддир.

**Глобаллашув** – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

• **Глобаллашув** – мутаасил давом этадиган тарихий жараён.

• **Глобаллашув**–жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни.

• **Глобаллашув** – миллий чегараларнинг “ювилиб кетиши” жараёни.

Глобаллашув жаранида Университетлар нафақат келажак авлодларга билимларни топиш, билим олиш, муаммоларни ҳал қилиш ва ўқув жараёнини давом эттириш учун илҳом беришлари керак, балки бизни умумжаҳон қадриятлари ва тажрибасини идрок қилиш учун глобал дунёга очиқ бериши керак. Талабаларни дунёга очиқ қарашга, янгиликни қабул қилиш қобилиятини шакллантиришга, инновацион ва тадбиркор бўлишга, бошқа одамларнинг фикрларига чидамли бўлишга, тез ўзгарувчан шароитларга мослашишга қобилиятини ўргатиш муҳимдир. Бугунги кунда демократиялашган жамиятда университетларнинг ролига бундай ёндашув глобал интеграцияга йўл очади, у олий таълим тизимига нисбатан қатъий талабларни қўядиган бозор тизимининг мантиғига мослашишга имкон беради.

Республикамиз бошқа давлатлар билан тенг шароитда ривожланиши ва рақобатлашиши учун университетларимиз халқаро миқёсда рақобатга киришлари керак. Европада таълимнинг мослашувчанлиги ва рақобатбардошлилигини таъминлаш мақсадида Европа таълим тизимини интеграциялашуви бўйича ҳужжатларнинг пайдо бўлиши (Лиссабон, 1997,



Сорбонне, 1998, Бологна, 1999, Прага, 2001), Европада малака тизимларининг зарур конвенциясини ва шаффофлигини рағбатлантиришга ёрдам берди. Шу билан бирга, олий ўқув юртлири учун толерантлик муҳити аста-секин уларни тараққий этган маданий ғоялар ва билимлар алмашинувига, ўзаро қарама-қаршилиқларга барҳам беришга, мамлакатлар ўртасида ўзаро тушунишни шакллантиришга ва шу билан уларнинг ўртасидаги уруш хавфини камайитиришга қаратилган асосий йўллардан биридир. Якуний натижа ҳаётнинг моддий ва маънавий даражасини оширишдир.

Бугунги Ўзбекистонда таълим соҳасининг энг юқори нуқтаи назари (жамиятни демократлаштиришнинг асосий воситаси сифатида эълон қилинган Ўзбекистоннинг янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлари натижасида) қуйидаги хулосага катта сабаблар келтиради: ислоҳот жамиятни демократлаштириш эмас, балки, тенгсизликлар, одамларнинг мол-мулкига кўра фарқланиши, таълим тизимини жамиятнинг ижтимоий табақаланишининг энг ибтидоий каналига айлантириш.

Ҳозирги таълим тизими жамиятда юз берадиган жараёнлар орқасида қолмоқда. Ушбу таълимнинг эскирган ва ҳаддан ташқари юқланиши, ҳаётнинг ҳақиқий эҳтиёжларидан ажралиб туриши, ўқитувчи шахсиятининг яқинлиги, талабларнинг такрорланмаслиги, таълимнинг марказлашган шакллари ва репродуктив вазифалардаги эскирган билимларнинг тарқалиши ўқувчиларнинг таълим фаолиятидан, носоғлом рақобатдан четга чиқишига олиб келади. Шу боис ҳам толерантлик бўйича педагогик тадқиқотлар ўзининг илк ривожланиш йўлида эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, толерантлик ўзбек миллати тафаккурида ҳар доим одамларга тенг муносабат кўрсатиш, ҳурмат, иззат, ўзга миллат ва элатларнинг урф-одатларини камситмаслик, ўзини улардан устун қўймаслик, ўзга маданиятлар таъсирига очиқлик, муомаладаги самимийлик каби хусусиятлар доирасида ривожлантирилган.

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия

соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педагогик технологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анънавий усуллари ўрнида интефаол, креатив, адаптив усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, глобаллашув жараёнининг айниқса тарбия соҳасига кўрсатаётган айрим ғаразли, носоғлом ғоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

2017 йилнинг 4 июль куни “Тараққиёт стратегияси” марказида «Болонья жараёни доирасида олий таълимни модернизациялашга инновацион ёндашувлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар давомида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг олий таълим тизимига алоқадор масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида сўз борди. Тадбир «Тараққиёт стратегияси» маркази ҳамда Erasmus+ миллий офиси (NEO) ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, Олий таълим соҳаси экспертлар Миллий командаси (National team of HEREs), Темпус ва Erasmus+ лойиҳалари вакиллари, олий таълим муассасалари ва бошқа манфаатдор ташкилот вакиллари иштирок этдилар.

2014-2020 йилларга мўлжалланган Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури Европа давлатлари ва ҳамкор давлатлар ўртасида барча соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга

оширилишини молиявий кўллаб-қувватлайди.

Қайд этиш жоизки, Темпус IV (2007-2013) Erasmus+ (2014-2020) дастурининг бошланиши олий таълим тизимидаги туб ўзгаришлар даври, яъни олий ўқув юртидан кейинги таълим, ОТМда илм-фан ва профессор-ўқитувчилар таркибининг узлуксиз малакасини ошириш тизимига оид ислохотлар даври билан мос келди. Дастурининг тўртинчи охири босқичининг амалга ошиши ва Европа университетлари билан кўптомонлама ҳамкорлик натижасида профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини оширишга, шунингдек, замонавий ўқув дарсликларини тайёрлаш ва уларга эга бўлиш, замонавий ўқув ва илмий-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш орқали ОТМларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

Ҳозирги кунда (2017 йилнинг июль оyi ҳолатига кўра) амалдаги 20 та лойиҳага (Темпус IV дастурининг 2 та яқунланаётган лойиҳаси ва Erasmus+ (Capacity Building in Higher Education-СВНЕ) дастурига оид 18 та лойиҳа) 42 та олий таълим муассасаси, Тошкент шаҳридан 16 та ОТМ, Республиканинг 10 та вилояти ва Қорақалпоғистондаги 26 та ОТМ жалб қилинган.

СВНЕ лойиҳаларининг охири танлови маълумотларига кўра, Республиканинг олий таълим муассасалари дастурда иштирок этишга бўлган улкан қизиқишини яна бир бор намойиш қилди ва 2017 йилнинг 9 феввалида ўз ниҳоясига етган танловга 45 та лойиҳа талабномасини топширилди. Таққослаш учун, ўтган йили Ўзбекистон номидан мазкур танловга 32 та лойиҳа талабномаси топширилган эди. Танлов натижалари 2017 йил август оyi бошида эълон қилинади.

Кредит муқбиллиги бўйича Республиканинг 42 та ОТМси иштирок этаётган 85 та лойиҳа доирасида талабалар ва ўқитувчиларнинг Европага, шунингдек, европалик ўқитувчиларнинг республика олий таълим муассасаларида маърузалар ўқиш ва семинарлар ўтказиш учун Ўзбекистонга муқобиллиги фаол амалга оширилмоқда.

Иккита танлов натижаларига кўра 651 та, жумладан 461 та

Ўзбекистондан Европага ва 190 та Европадан Ўзбекистонга муқобиллик амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ўзбекистоннинг олий таълим муассасаси ўқитувчилари Европа университетларида ўз малакаларини ошириш ва ўқитишнинг янги услубиётларини ўзлаштириш учун яхши имкониятга эга. Ўз навбатида, Европалик профессорлар Ўзбекистондаги ҳамкор ОТМга келиб маърузалар ўқиши ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши мумкин. 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ишлаб чиқариш амалиётларини Европанинг ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳамкор ноакадемик ташкилотлари профилига мос равишда ўташ имкониятлари вужудга келади.

Темпус/Erasmus+ лойиҳалари иштирокчиларининг мақолалари доимий йиллик тўплами илғор тажриба ва эришилган натижалар билан ўртоқлашувчи маҳаллий ва европалик вакиллар томонидан тавсифланган аниқ мисоллар билан танишишга имкон беради. Барча нашрларни [www.erasmusplus.uz](http://www.erasmusplus.uz) веб-сайтидан юклаб олиш мумкин.

### **1.3. Олий таълим тизими ва инсонпарвалаштириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида қуйидагича таъкидланган, “таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигини, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир”.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланган: “Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларидан бири таълимнинг инсонпарварлашувидир”

*Таълимнинг инсонпарварлашуви* – инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувидир”.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш тадбирлари – бу тизимни демократик ва инсонпарварлик йўналишларида қайта қуриш билан ҳам боғлиқ. Чунки, инсонпарварлик ғоялари ва тамойиллари миллий ғоя билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг моддий фаровонлиги ва маънавий баркамоллиги, эркин, мустақил, ижодий фаолиятини, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги ва бир-бирига ғамхўрлиги каби энг юксак, илғор инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади.

Одиллик, ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, одоблилиқ, виждонлилиқ, иймон-эътиқодлилиқ, меҳмондўстлиқ, камтарлик, ор-номусни, шарм-ҳаё ва иффатни эъзозлаш, тинчликсеварлик, олижаноблик, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби юксак инсоний фазилатлар ҳам инсонпарварликнинг намоён бўлишидир. Бу эса, ўз ўзидан, узлуксиз таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўяди. Ушбу эҳтиёж мазкур масала бўйича илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни ва тавсияларни таълим-тарбия тизимига жорий этиш, ижтимоий-гуманиар фанлар мазмунига киритиш йўл-йўриқларини ўзида ифода этади. Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш, умуман жамиятни инсонпарварлаштиришнинг ажралмас таркибий қисми эканлиги таъкидланади ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлардан бири – мазкур тизимни инсонпарварлаштириш йўл-йўриқлари ва мақсадлари очиқ кўрсатилади.

***Инсонийлаштириш*** – жамиятда инсонпарварлик амалларини кучайтириш, умуминсоний кадриятларни қарор топтириш, мулойимлик ва инсонийлик билан уйғунлашган ҳолдаги тугалланган эстетик шаклга эга бўлган инсоний қобилиятларни юқори маданий ва ахлоқий даражада ривожлантириш демакдир.

***Инсонпарварлик*** («инсон» арабча; «парвар» форс-тожикча; «лик»ўзбекча қўплиқ қўшимчаси бўлиб-кишига ғамхўрлик, гуманизм) одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги қобилиятлари ҳар томонлама номоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли

хаётини таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади.

***Инсонпарварлик*** ғоялари, бахт саодат ва адолатга эришиш орзу-хаваслари, халқ оғзаки ижодиётида, адабиётда, диний фалсафий, педагогик таълимотларда узоқ ўтмишдан бери ўз аксини топиб келмоқда.

***Инсонпарвар таълим*** - умуминсоний қадриятлар, инсоннинг хаёти ва соғлиғи, шахснинг эркин ривожланиши устиворлиги тамойилларига асосланган таълимдир.

Узлуксиз таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш кенг дунёқарашли ва маърифатли, ақл-идроки мукамал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол, руҳан тетик, ўз мамлакати ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролида ўзининг фуқаролик масъулиятини тўғри ва тўла англаб етган иймонли, комил инсон шахсини тарбиялаш мақсадларидан келиб чиқади.

### **Назорат саволлар:**

1. Модернизациялаш жараёнини қандай тушунасиз?
2. Модернизациялашнинг турларини санаб беринг.
3. Таълим тизимини модернизациялаш нималардан иборат?
4. Глобаллашув жараёнини қандай тушунасиз?
5. Глобаллашув жараёнини таълимга қандай таъсир кўрсатмоқда?
6. Глобаллашув жараёнини қандай тушунасиз?
7. Глобаллашув жараёнини таълимга қандай таъсир кўрсатмоқда?
8. Халқаролаштириш жараёнини қандай тушунасиз?
9. Таълимни халқаролаштириш жараёнининг шаклларини санаб беринг.
10. Таълимни инсонпарвалаштириш жараёнини қандай тушунасиз?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Тоғаев Ш. Ғоявий таълим-тарбияда фалсафанинг ўрни. – Т.:“STAR-POLIGRAF”, 2010.

2. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения.- М.:«ГЭОТАР-Медия», 2008, 43 с.
3. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с.
4. Абдулкеримов И.З., Эсетова А.М. Особенности управления интеграционными процессами в системе высшего образования // Вестник Дагестанского государственного технического университета: Технические науки. - № 4 (19). - 2010. - С. 115-119.
5. Кузьминых Ж.О., Красильникова Н.В., Пауэлл Г.М. СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ЕВРОПЕ И США // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 3.  
URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=20316>

**2-Мавзу: Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш. Компетенцияларга асосланган ўқитиш. (2 соат)**

### **Режа**

2.1. Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси.

2.2. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш.

2.3. Компетенцияларга асосланган ўқитиш.

2.4. Креативлик ва ўқитишнинг креатив усуллари.

**Таянч тушунчалар:** *инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион фаолият босқичлари, инновацион жараён босқичлари, инновацион муҳит, компетентлик, креативлик, креатив усуллар.*

**2.1. Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси.**

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш - инновацион фаолиятни майдонга олиб чиқди. “Инновацион педагогика” термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларида Ғарбий Европа ва АҚШда пайдо бўлган.

Инновацион иборасига бир қанча педагог олимлар ўзларининг турли хил фикрларини айтиб ўтишган. Жумладан педагогика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган А.И.Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги нисбатан турғун унсурларни киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Демак, инновацион педагогик жараённинг муҳим таркибий қисми бу шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар



қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири эса таълим оловчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

Қўйидаги расмда инновацияларнинг классификацияси келтирилган:




**Инновацион фаолият** — янги ижтимоий талабларнинг анъанавий

меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

Таълимдаги педагогнинг инновацион фаолияти тузилишини таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд.

Масалан, инновацион фаолиятни 4 босқичда олиб борилади, яъни:

- 1) тайёргарлик босқичида муаммони таҳлил этиш асосида аниқлайди,
- 2) мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалайди;
- 3) ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштиради;
- 4) ўзгаришларни амалга оширади.



Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:


1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат

қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Таълимдаги инновацион жараёнлар босқичларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:



Маълумки, инновацион тайёргарлик бу - мутахассисининг ўзлаштирилган касбий билим, малака ва кўникмаларига таянган ҳолда педагогик жараённи лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва кафолатли натижага эришиш жараёнидаги ностандарт тафаккур тарзи ва иш тартибига асосланган ҳолда янги йўналишдаги ўқитишнинг шакл, метод ва

воситаларини излаб топиши ва амалга ошириши билан боғлиқ бўлган сифатлари йиғиндисидир.

### Ўқитувчининг инновацион фаолиятига нисбатан ёндошувлари

**Гуманистик аксиология** - аксиологияга инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан – бир мақсади сифатида қарайди. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндошув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар мажмуасини англатади.

**Акмеологик ёндошув** - акмеология (*акме*) – юнонча олий нукта, ўткир, гуллаган етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

**Креатив ёндошув** – термини АҚШда XX асрнинг 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, ҳислатилини билдиради.

**Рефлексив ёндошув** – (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

**Акмеология** (*акме*) - юнонча олий нукта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади. Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: *истеъдод нишонлари; ўқувлилик; қобилият; истеъдод; оила тарбияси шароити; ўқув юрти; ўз хатти-ҳаракати.*

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;

• ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайриодатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В. Вишнекова).

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қуйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А. Слостенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Яқин ўтмишда “Инновацион таълим”, “Инновацион фаолият” ва “Инновацион жараёнлар” терминлари республикамизнинг педагогик адабиётларида жуда кам кузатилар эди. Инновацион таълим сўзининг

замирида янгиликни ташкил қилиш, янгиликни ўзлаштириш, янгиликдан фойдаланиш, янгиликни намоён этиш каби комплекс фаолият ётади.

**Инновацион таълим** - таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим

“Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

**Таълим инновациялари** - таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар

Таълим соҳасида инновацион жараён – бу таълим концепциясидаги, ўқув дастурларидаги, усул ва услублардаги, тарбия ва ўқитиш усулларидаги янгилик ва ўзгаришлардир. Таълим соҳасида инновацион жараёнлар сўзининг туб маъносида педагогиканинг иккита муҳим – ўрганиш, умумлаштириш ва илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш муаммоси ва педагогика фанлари ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш муаммоси ётади. Шундай экан, инновациянинг предмети ва инновацион жараёнларнинг таркиби, механизми бир – бирига ўзаро боғлиқ бўлган жараёнлар жамланмаси таркибида бўлиши керак. Айнан, инновацион фаолият хизмат кўрсатиш бозорида олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатбардошликнинг асосини яратибгина қолмай, профессор – ўқитувчининг касб маҳоратининг ўсишини, ижодий изланишини, амалий жиҳатдан очиқ беради. Шунинг учун ҳам, инновацион фаолият ўқитувчиларнинг илмий-услубий фаолияти ва талабаларнинг ўқув жараёнига ижодий фаолияти билан узлуксиз боғлиқ.

Таълим муассасасида педагогнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш учун “**Инновацион муҳит**” шаклланган бўлиши керак, яъний педагогик

жамода умуман таълим муассасида ижодий, самимий дўстона шароит, унда педагог-ўқитувчи ўзини эркин хис қила олиши ва жамода ички интилиш моддий-маънавий қизиқиш юқори даражада бўлади. У муҳитда педагог-ўқитиувчи ижодий фикр юритишга, интилишга йўналтирилади. Натижада инновацион жараён-янгиликни киритилиши ва шарт-шароитлари, тизимини янги шароитларга кўрсаткичларга муваффақиятли ўтишини таъминловчи ўзгаришлар содир бўлади.

## **2.2. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш.**

Инновацион фаолиятни дунё мамлакатлари энг асосий устувор йўналиш сифатида тан олган. Яъни, жамият тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири – бу самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш, илмий-техника тараққиёти ютуқларига асосланган янги, илғор технологиялар, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш янги шакллари ҳамда йирик ихтиролар натижаларини жорий қилиш эканлиги айни ҳақиқат.

Инновацион фаолият – пировард натижаси маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш шакли, технологияларнинг янги турларини яратиш ёки мавжудларини такомиллаштиришдан иборат бўлган фаолият. У инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва кенг жорий этиш жараёнларини ўз ичига олади.

Инновация жараёни ишлаб чиқариш ва олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳонда ўз мавқеига эга бўлиш ва уни ушлаб қолиш, унумдорликни, пировардида ҳам олийгоҳ, ҳам соҳа, ҳам яхлит иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг асосий ва мажбурий шартидир. Инновацияларни бошқариш эса, инновацион жараён ёки фаолиятга нисбатан бошқарувнинг асосий функциялари – ташкил этиш, меъёрлаштириш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва тартибга солишни татбиқ этиш ҳисобланади. Инновацияларни жадал татбиқ этиш, энг аввало,

мавжуд олий таълим муассасалари фаолиятини ҳар томонлама модернизациялаштиришни зарур қилиб кўяди. Инновацион тадбиркорлик янги рационализаторлик йўналишларини топиш ва ресурсларни фойдали томонга йўналтириш, ишлаб чиқаришнинг янги комбинацияларини ўзлаштириш, янги бозорларни эгаллаш, янги маҳсулотларни яратишдан иборат.

Олдиндан кўра билиш, асосланган таваккалчилик ва стратегик бошқарув тадбиркорликнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун инновацион тадбиркорлик замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш омилига айланади. Инновацион тадбиркорлик фаолиятининг яхши кўрсаткичлари ва натижаларига эга бўлиш учун олий ўқув юртлари макромухитнинг ташқи омиллари ҳақидаги ахборотга, яъни тесқари алоқага эга бўлиши керак. Ушбу ахборот стратегик аудит ўтказиш пайтида таваккалчилик менежменти тизимида шакллантирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда таълим соҳаси ўқув юртларида иш юритиш бевосита ва билвосита иқтисодий либерализация ва глобализация омиллари таъсири остида трансмиллий даражага чиқмоқда. Ушбу тенденциялар таълим соҳасида ўқув жараёнини ўзгартирмаслиги, уни принципиал янги маррага ва таракқиёт уфқига олиб чиқмаслиги мумкин эмас.

Ҳар қандай замонавий олий ўқув юрти муайян уч компонент – омиллар, воситалар ва технологиялар бўлишини талаб қилади. Фақат шу уч компонент бўлгандагина ўқув жараёнини бошлаш ҳамда бозорда аниқ талаб бўлган мутахассисларни ва таълим хизматларини ташкил қилиш мумкин.

Ўқув жараёни таъминоти учун уч компонент бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

– ўқув соатларининг керакли ҳажми, яъни нафақат ўқув жараёнини ташкил қилиш, балки келгусида ўқув ҳажмини ошириш имконини берувчи унинг миқдорий ифодаси;

– хизмат кўрсатиш омиллари, воситалари ва технологияларининг тегишли сифати, яъни ўқув жараёнида фойдаланиш учун оптимал ҳолати;



– вақт ва жой бирлиги – ўқув жараёнида фойдаланиш имконини берувчи барча компонентларнинг бир вақтнинг ўзида чегараланган жойда бўлиши.

Таълим хизмати омиллари, воситалари ва технологияларидан фойдаланиш учун масъул ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахс ёки шахслар гуруҳининг (ваколатли шахслар) бўлиши.

Ўқув жараёнида компонентларнинг қатнашиш даражасига нисбатан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керакли тўлиқ ваколатга эга мувофиқлаштирувчи марказ бўлиши керак. Мувофиқлаштирувчи марказ олий ўқув юртининг инновацион салоҳиятига таянган, олий ўқув юртининг инновацион салоҳияти эса шу ташкилотнинг янгиликни қабул қилишига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, бу қуйидаги омилларга боғлиқ бўлган комплекс кўрсаткичдир: шахсий-психологик, ички ёки тузилмалар ва ташқи. Бундан ташқари, ташкилий-бошқарув ва ижтимоий-психологик соҳаларда инновацион фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳамда кўмаклашувчи омилларни ажратиш кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Ташкилий-бошқарув соҳаларда инновацион фаолиятни амалга ошириш омиллар**

Т/р	Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Инновацион фаолиятга кўмаклашувчи омиллар
1.	Қотиб қолган ташкилий тузилмалар. Ортикча марказлаштириш. Ташкилот тузилмаси бўйича қатъий иерархик принцип. Ахборотнинг вертикал оқими устунлиги. Ташкилотлараро ўзаро ҳаракатлардаги қийинчиликлар. Қатъий режалаштириш. Юзага келган меҳнат бозорига диққатни қаратиш. Иштирокчилар манфаатларини мувофиқлаштиришдаги қийинчиликлар.	Ташкилий тузилманинг ўзгарувчанлиги. Марказлаштиришдан воз кечиш. Ташкилот тузилмасининг матрик тизими. Ахборотнинг горизонтал оқимлари устунлиги. Бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳаракатдаги айрим автономликлар. Режалаштиришдаги индикативлик, тузатишлар киритиш имконияти.

Бугунги кунда олий таълим тизимида амалга оширилаётган инновацион

лойиҳалардан кутилаётган натижа самараларини баҳолашда ижобий ва салбий омилларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг салмоғи ниҳоятда оз. Ушбу масала юзасидан илмий изланишлар олиб борилганлиги натижасида инновацион лойиҳаларни самарадорлиги лойиҳавий бошқарувга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бунинг асосида муваффақиятли лойиҳа жамоасини тузиш орқали самарадорликни аниқладик.

Самарали инновацион жамоа ўзининг вақт билан чекланган вазифасини тушуниши ва унинг бажарилиши учун бутунлай жавобгар бўлиши лозим. Жамоа аниқ жамоавийлик мезонларини ишлаб чиқиши керак. Бу ўхшашлик асосан лойиҳа мақсади билан белгиланади. Жамоавийлик ташқаридан йўналтирилган бўлиши лозим. Лойиҳанинг якуний натижасига диққатни қаратиш жамоани ташкилотнинг кенг кўламли стратегиясидан хавфли даражада ажралмаган ҳолда унинг мустақамлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Ниҳоят, муваффақиятли инновацион жамоа учун турли малакаларга эга бўлиш хосдир. Жамоанинг турли-туманлиги – бу унинг кучидир. У вазифаларни бажаришдаги кадрларнинг малакаси мужассамлигига қараб кучайиб боради. Жамоа ижодий, конструктив ва биргаликда фикрлай олиши лозим.

У ғоя ва маълумотлар билан алмашишга тайёр бўлиши, муаммоларни ҳал қилиш учун бирга ҳаракат қилиши ва шароитнинг ўзгаришига мослашиши лозим. Жамоа самарали мулоқот олиб бора олиши керак. Инновацион гуруҳнинг фаолиятида корпоратив тушунишнинг “парадоксализми” муҳим роль ўйнайди. Унинг энг ёрқин кўринишларидан бири – бу ҳаттоки фаолиятнинг натижаларига қарамасдан гуруҳ ўзаро фаолиятига бўлган заруриятга жамоавий тарзда ишонишидир.

Инновацион жамоадаги ҳар бир аъзонинг индивидуал-психологик хусусиятлари (барча уч гуруҳда, лекин турли акцент билан) самарали инновацион фаолият учун керакли сифатлар мажмуига мос бўлиши лозим. Хусусан, булар интеллект, лидерлик, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олишлик, жавобгарлик (масъулиятни сезиш), қатъийлик каби сифатлардир.

Инновацион жамоанинг самарали фаолиятига раҳбар катта таъсир кўрсатади. У ўзининг раҳбарлик қобилияти билан жамоанинг жипслигини мустаҳкамлаши, унга доимо лойиҳанинг мақсадлари ва уларни бажариш муҳимлиги ҳақида эслатиб туриши, унинг руҳини кўтариши ва энг юқори натижага йўналтириши лозим. Шу билан бирга, авторитар ёки маъмурий-буйруқбозлик усулидаги раҳбарликка йўл кўйилмайди. Чунки инновацион гуруҳ аъзосининг мақоми, лавозим иерархиясида юқори поғона, маълумот даражаси билан эмас, балки илгари сурилаётган ғояларнинг қиммати, унинг ижодкорлик даражаси ва фикрлашдаги ўзгарувчанлик билан белгиланади.

Инновацияларнинг яратувчиси доимо алоҳида индивид (шахс) бўлган. Бу ҳолатда биз инновацияларга бўлган қобилияти нуқтаи назаридан алоҳида шахснинг психологиясини кўриб чиқишимиз керак. Шунинг учун инновативлик психологиясининг асосий муаммоси шахснинг ижодий потенциални психологик томондан ўрганиш механизмлари, шакллари ва усулларини назарий ва экспериментал равишда асослаб бериш ҳамда самарали инновацион фаолият учун психологик комфорт билан таъминлашдир. Инновацион фаолиятга бўлган иқтидор ёки ижодкорлик қобилияти – бу фақат айрим одамлар эга бўлган туғма хусусият эканлигини фараз қилишимиз мумкин.

Бундан ташқари, шахснинг инновацион фаоллигига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, инновативлик психологиясида қуйидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилади: янги нарсаларга йўналиши камроқ тажрибага эга ишчилар тажрибалироқ ишчиларга қараганда сустроқ. Айтиб ўтилганлардан хулоса қилиб шуни таъкидлашни истардикки, ижодкор-новатор учун хос бўлган характеристикаларнинг бир вақтдаги бирикмаси гомогенли, профессионал, демографик, жинс-ёш, таълим, миллий-маданий ёки конфессионал-этник ижодий гуруҳларга нисбатан фақатгина жуда кам сонли вакилларда кўзга ташланади. Одатда, гуруҳнинг умумий сонидан бу каби ижодкорларнинг улуши 10-12 фоизгача бўлади. Бундан ташқари, бу каби ходимларни, одатда, бошқариш осон эмас ҳамда улар билан ишлашда

муаммолар юзага келади. Инновация – бу ижтимоий феномендир. У ўз ифодасини жамият ичида топади ва унинг юзага келиши учун биргаликда фаолият олиб бориш керак.

Илмий муассаса ҳамда олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари, инновацион тадбиркорлик олий ўқув юртини ривожлантириш омили эканлиги исботланиб, олий таълим тизими инновацион фаолиятнинг субъекти ва мамлакат илмий-техник салоҳиятининг манбаи эканлиги очиб берилди.

Инновацион тадбиркорлик хулқ-атвори учун янги рискни яратиб боришга бўлган мойиллик ва таваккалчиликнинг жами вариантларини тенглаштириш характерлидир.

Бугунги кунда дунёда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг инновацион омили сифатида инновацион тадбиркорликнинг турфа ташкилий шакллари кенг ривожланмоқда. Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тезлаштирилиши аҳамиятли даражада инновацион жараённинг самарадорлиги билан боғлиқ. Ўз навбатида инновацион жараённинг самарадорлиги инновацион бизнес ташкилий тузилмасининг мустаҳкамлиги, инновацион тадбиркорлик билан аниқланади. Инновацион тадбиркорликнинг афзаллиги инновацион ғояларни қидиришга интилишни, янги лойиҳаларни амалга оширишга интилишни ҳамда қайта ишлаш адекват ташкилий механизмларни талаб қилади.

### **2.3. Компетенцияларга асосланган ўқитиш.**

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда.


Инглизча “**competence**” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака,

маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қилади

“**Компетентлик**” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик негизда қуйидаги сифатлар акс этади:



Қуйида касбий компетентлик негизда акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик

кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

1) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

3) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

5) инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4. Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5. Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

#### **2.4. Креативлик ва ўқитишнинг креатив усуллари.**

**Креативлик** термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

**Креативлик** (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

**Педагогик креативлик** – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар, Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрининг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;

- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия).

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади;

Иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади;

Учинчи босқичда ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади;

Тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

В.А. Слостенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:

- Шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги. Бу - қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интилиш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;

- Креативлик. Бу – ҳаёлот, фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;

- Касбий фаолиятни баҳолаш. Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;



• Ўқитувчининг индивидуал қобилияти. Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Олий таълим муассасидаги инновация жараёнлари характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади. Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири - ўқитувчи шахсидир.

Креатив ўқитиш усулларни қараб чиқамиз:

SCAMPER	<p>Substitute (Алмаштириш)- нима билан алмаштириш мумкин?</p> <p>Combine (Бирлаштириш)- нима билан бирлаштириш мумкин?</p> <p>Adapt (Мослаштириш)- нима билан мослаштириш мумкин?</p> <p>Modify/Magnify (Модификация бошқа тури (ҳолати))- Қандай яхшилашим мумкин? (катта, узоқроқ, баландроқ, ортиқча ишланган, қўшимча функцияларни бажариш)</p> <p>Put To Other Uses (бошқа соҳаларда қўллаш)- Нима ўзгариши мумкин? (унинг миқёсидаги ўсиш ёки камайиши, шакли ўзгариши, белгилар (масалан, ранг) ва бошқалар)</p> <p>Eliminate (Қисқартириш)- яна қандай ҳолда қўллаш мумкин?</p> <p>Rearrange/Reverse (Тартибини ўзгартириш) - Нимани қайта тиклаш мумкин? (Буюртмани ўзгартириш, компонентларни алмаштириш, тезлик ва бошқалар)</p>
---------	---

### **Дизайн-фикрлаш технологияси.**

“Дизайн - фикрлаш” - бу инновацияни яратувчи технологиядир. Унинг калит элементи - муаммони чуқур тушуниш ва кузатиш. “Дизайн- фикрлаш” технологияси куйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Эмпатия (тушуниш) - берилган муаммоли вазиятни тушуниш. Бу босқичда муаммога йўналтирилган маълумотлар йиғилади ва сараланади. Тингловчилардан ушбу маълумотлар нима учун муаммо саналаётгани хақида сўралади. «Дизайн - фикрлаш» технологиясининг барча босқичлари ушбу кадамга асосланади. Тингловчилардан муаммонинг сабабини сўрасангиз албатта, жавоб беради, лекин юзаки, инсон билимларини ўзининг ички ҳис - туйғуларини ортида яширишга уринади. Асл муаммони ечимини топишни хоҳласак тингловчиларни ички овозлари билан қизиқишимиз лозим.

Ушбу босқичнинг асл мақсади - “Нега юқоридаги вазият муаммо саналапти?” деган саволнинг ечимини топишга қаратилган бўлиши керак. Тушуниш - бу маълумотларни базавий қисми бўлиб, яна ишлов бериш, классификациялаш ва қўллаш учун чуқурроқ тушунчага эга бўлиш керак. Бунинг учун турли интерфаол усуллар мавжуд. Масалан, «Кластер», «SWOT таҳлил», «Кьюбинг», «MindMap» ва х.к.

2. Фокус - аниқ муаммога йўналтирилган асосий нуқта. Бунда берилган муаммони кичик муаммоларга бўлишимиз ва уларнинг ечимини бир қанча ғоялар асосида ечишимиз мумкин. Инновацияни яратиш эса учун бошқа гуруҳда ечилмаётган муаммони ечимини топиш, қолганини кўчириб олиш керак. Биз бошқа гуруҳ вакиллари ечими йўқ деб ҳисоблаётган муаммони танлашимиз керак. Айнан шундай муаммоларда «Дизайн - фикрлаш» юқори савияда ишлайди. Бу босқични асосий мақсади муаммони аниқ қўйиш. Бунда дастлабки масалага эътибор бермаслик, аксинча охириги қўйилган масалани ечимини топишга ҳаракат қилиш. Бунинг учун “БЕЕР (ЕЛПИҒИЧ)”, “РЕЗЬЮМЕ”, “SCAMPER”, “Плюс, минус, қизиқарли” каби интерфаол усуллардан фойдаланамиз.


3. Ғоя босқичи. Фокус босқичида биз аниқ муаммони топган бўлсак, ғоялар босқичида шу муаммонинг ечимини топамиз. Демак, ғоя босқичида ҳар бир гуруҳнинг ғоялар кетма - кетлиги кўриб чиқилади. Бунда гуруҳ аъзолари тузилган ғоялар асосида саволлар билан мурожаат қиладилар, яъни

“Ақлий хужум” интерфаол усулидан фойдаланимиз. Савол - жавоб натижасида энг оптимал ечим топилади.

4. Прототиплаштириш босқичи. Бунда тингловчилар саволлар жавобига қараб қўйилган мақсад сари интиладилар. Лойихалаштиришнинг юқори босқичларида саволларнинг жавобларини топиш бир мунча қийин бўларди. Прототип деб кўп нарсаларни айтишимиз мумкин: стикерлар билан тўлдирилган доска, ролли ўйин ва ҳ.к. Натижада, биз талабаларда уларнинг ички ҳиссиётларидан келиб чиққан, амалда орттирилган билимни кўрамиз

5. Тест босқичи умуман олганда Прототип босқичига ўхшайди, фақат, бунда юқоридаги тўртта босқичда олинган натижалар умумлаштирилади ва умумий хулосага келинади.

“Дизайн - фикрлаш” технологияси ёрдамида дарс машғулотларини олиб бориш кўпгина ривожланган давлатларда қўлланилиб келиняпти. Сабаби, бу усулда олиб борилган маъруза, амалий ва семинар машғулотлари тингловчиларни ўз устида ишлашга янада ундайди. Бундан ташқари машғулотларни қизиқарли тарзда олиб бориш, 80 дақиқа давомида фақатгина профессор - ўқитувчини эшитиш эмас, балки тингловчиларни мустақил равишда мавзу юзасидан муаммолар яратиш ва ечимини топиш, керак бўлса ролли ўйинлар тарзида уни кўрсатиб бериши ҳам мумкин. Тингловчилар бундай дарс жараёнларида зерикмайдилар ва янги мавзунини тўлақонли тушуниб етадилар.



### **Назорат саволлар:**

1. Таълим инновацияларига таъриф беринг.
2. Таълим инновацияларини санаб беринг.
3. Педагогнинг инновацион фаолияти босқичларини тушунтириб беринг.
4. Инновацион жараён қайси жараёнларни ўз ичига олади?
5. Педагогнинг компетентлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Педагогик компетентликнинг сифатларини санаб беринг ва моҳиятини очиб беринг.
7. Педагогнинг креативлиги тушунчасини тушунтириб беринг.
8. Қандай креатив ўқитиш усулларини биласиз?
9. Дизайн-фикрлаш технологиясини тушунтириб беринг.
10. Дизайн-фикрлаш технологиясининг маънаси нимадан иборат?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ермаков Д.С. Компетентный подход в образовании// “Педагогика”. –2011. - № 4. – С. 8-16.
3. Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
4. Хрипко В.В. Горизонты интенсификации и инновационности обучения в вузе // «Альма Матер». – 2011 № 9.
5. Г.Ж.Ҳасанова. Саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш. 2006. БДУ – Т., - Б.11-12.
6. Иванов М.М., Колупаева С.Р., Кочетков Г.Б. США: управление наукой и нововведениями. - М.: Наука, 1990. - С. 23.
7. Яндиев М.И. Аналитический обзор: «Инновации в России» [www.humanities.edu.ru/](http://www.humanities.edu.ru/)  
[www.humanities.edu.ru/](http://www.humanities.edu.ru/)

### **3-Мавзу: Олий таълимни бошқариш тизимидаги инновациялар. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси.**

#### **Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар**

##### **Режа:**

- 3.1. Олий таълимни бошқаришда инновацион усуллари.
- 3.2. Таълимдаги инновацион хорижий тажрибалар.

**Таянч иборалар:** *Болония жараёни, кредит, ECTS системаси.*

#### **3.1. Олий таълимни бошқаришда инновацион усуллари.**

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни такомиллаштириш ва сифат даражасини ошириш йўлида устувор вазифалардан қилиб, дунёдаги энг илғор мамлакатлар билан тажриба алмашиш, глобал таълим жараёнларида фаол иштирок этиш, ҳамда ўқитувчи ва талабалар олдида турган сунъий тўсиқларни бартараф этишни белгиласа бўлади. Ушбу мақсадларга эришишнинг самарали йўллари билан бири сифатида Болония жараёнига қўшилиш бўлиб кўринадиган, зеро ёпиқ шароитларда таълимни ривожлантириб бўлмаслигини кўплаб мамлакатларнинг тажрибасидан билиб олиш мумкин.

Болония жараёни — Европа мамлакатлари орасида олий таълимни уйғунлаштириш жараёнидир. Бу тушуниш осон бўлган ва ўхшаш даражалар (малакалар) тизимини яратишини, таълимнинг кредит тизимига ўтишини, таълимнинг сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланишни ва Европадаги таълим ҳамкорлигини ўз ичига олади. Қисқа қилиб айтганда, бу Европа мамлакатларининг олий таълим тизимларини уйғунлаштириш, ҳар бир киши учун тенг равишда таълимни таъминлаш, интеллектуал, маданий, ижтимоий, илмий ва технологик салоҳиятни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим сифатини такомиллаштириш жараёнидир.

Болония жараёнига қўшилиш шартлари:

– Европа Маданият Конвенциясини ратификация қилиш ва олий таълим тизимида Болония жараёнининг мақсадларини амалга оширишга

тайёргарлик;

– Болония жараёнида эътироф этилган илмий даражалар, шу билан бирга ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган дипломга илова системасини қабул қилиш. Дипломларни тасдиқлаш ва бошқа мамлакатларда уларнинг тенглигини эътироф этиш тартибини соддалаштириш учун Болония Декларацияси “ECTS” кредит бирлигида ифодаланган ўқув фанлари, амалий машғулотлар ва бошқа турдаги таълим тўғрисида асосий маълумотни ўзида акс этувчи махсус инглиз тилидаги диплом иловасини тақдим этилиши;

– Олий таълим соҳасида юқори сифатни таъминлаш, олий таълим соҳасидаги малака ва тегишли ҳужжатларни ўзаро тан олиш, университетларнинг автономлигини таъминлаш.

– Қиёсий даражадаги тизим, яъни уч босқичли олий таълим тизимини қўйидаги икки модел асосида жорий этиш:

Бакалавр + магистр + аспирантура: 3 йил + 2 йил + 3 йил;

Бакалавр + магистр + докторантура: 4 йил + 1 йил + 3 йил;

– ECTS системаси асосида кредит тизимига ўтиш. Кредитлар, шунингдек (*агар улар олий ўқув юртлири томонидан эътироф этилса*), олий таълимдан ташқари, жумладан, ҳаёт давомида билим олиш (lifelong learning – LLL) жараёнида ҳам қўлланилиши мумкинлиги;

– Бутун ҳаёт давомида билим олиш (lifelong learning – LLL) учун шарт-шароитлар яратилиши;

– Қиёсий мезон ва услубларни ишлаб чиқиш мақсадида таълим сифатини таъминлашда Европа билан ҳамкорликни ривожлантириш;

– Олий таълимда, айниқса, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, институтлараро ҳамкорлик, мобиллик схемалари, биргаликдаги ўқув дастурлари, амалий машғулотлар ва тадқиқотлар билан боғлиқ муҳим масалаларда Европа анъаналарига ва тизимларига асосланиш;

– Талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг эркин ҳаракатини (муқобиллигини) самарали амалга оширишга шарт-шароитлар яратиш: талабаларни таълим олиш имкониятларини яхшилаш ва амалий машғулотлар

билан таъминлаш; ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва маъмурий ходимлар учун эса натижаларни тан олиш ва бошқа университетларда тадқиқот, ўқитиш ва амалиётга сарфланган вақтни ҳисобга олиниш имкониятини яратиш;

Болония жараёни асосини Европа Иттифоқи давлатлари яратганига қарамадан, бугунги кунда Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлардан икки баробар кўп давлат бу жараёнга қўшилган (48 мамлакат). Болония жараёнига яна Европа Иттифоқида бўлмаган Швейцария ва Норвегия, олтита Шарқий ҳамкорлик мамлакатлари (*жумладан, Беларус*), Россия, Туркия ва Қозоғистон ҳам қўшилган.

2010 йилда Будапештда Қозоғистоннинг Болония декларациясига қўшилиши ҳақида якуний қарор қабул қилинган. Қозоғистон Европа таълим тизимининг тўлақонли аъзоси сифатида тан олинган Марказий Осиёдаги илк давлат ҳисобланади.

Умуман олганда Болония жараёнини синчиковлик билан таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келса бўлади:

– Болония жараёнида иштирок этиш Университет битирувчиларига меҳнат бозорида янги имкониятлар яратади;- Талабалар ва академик алмашинувлар тажрибаси глобаллашган дунёда Ўзбекистон кадрларининг савияси ошади, ривожланган давлатлардаги тажрибаларни ўзимизда ҳам тадбиқ этишга имкон беради;

– Болония жараёни Ўзбекистонга интеллектуал бойликдан самарали фойдаланиш учун илмий ва саноат тадқиқот тузилмалари йўналишидаги инновацион ва изланувчан университетлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради;

– Болония жараёнига қўшилиш Ўзбекистонга Европа таълим тизимидан фойдаланиш, дипломлар ва малакаларнинг профессионаллигини эътироф этиш, кредит тизимини (ECTS) ва диплом иловасини жорий этиш, таълим сифатини баҳолаш, талабалар ва факультетларнинг академик уйғунлигини амалга ошириш ва узлуксиз таълимни таъминлашга имкон беради;

– Болония декларациясининг тавсияларига мувофиқ, ҳар бир талаба ҳеч

бўлмаса бир семестрни бошқа бир университетда, имтиёзли равишда чет элда ўтказиши лозим. Бундай алоқалар ва алмашувларнинг аҳамияти, айниқса, Ўзбекистондаги замонавий адабиётнинг камлиги ва кўпинча чекланган ва эскириб қолган лаборатория жиҳозлари шароитида талабалар учун керакли билимларни олишга ёрдам беради;

– Болония жараёнида иштирок этиш республика учун таълим хизматлари рақобатбардошлигини ошириш, олимлар ва ўқитувчиларимиз малакасини оширишга, халқаро таълим соҳасидаги Ўзбекистоннинг ўрнини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароит яратишга асос бўлади;

– Дипломларимизни халқаро майдонда тан олинishi, келгусида умумий Европа таълим майдонининг бир қисми бўлиш имконини беради;

– Европа Иттифоқи билан ташқи савдо ва инвестицион алоқаларимиз йўлга қўйилган ва ривожланиб борапти. Ушбу алоқалар, биринчи навбатда, олий маълумотли кишилар ва мутахассислар томонидан амалга оширилади. Агар икки тараф дунёқарашлари бир бирига яқин бўлса, бир-бирларини танишса, алоқаларни янада мустаҳкамлаш осонроқ бўлади.

Албатта Болония жараёни камчиликлардан холи эмас. Масалан, уч йиллик бакалавриат ичида инновацияларга қодир тадқиқотчи олимни тайёрлаш қийин. Буни англаган баъзи МДХ мамлакатларида фанлар сонини камайтириш ўрнига, эски дарсларни, имтиҳонларни қисқа муддатда ўтказишга ҳаракат қилишади. Бу эса талабалар ва ўқитувчиларда ҳақли эътирозларга сабаб бўлади.

Кейинги муаммо Болония жараёнида иштирок этадиган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам етарлича юқори сифатли таълим хизматларини кўрсата олмайди, кўплаб талабалар чекланган мобиллик ҳақида шикоят қиладилар (бошқа мамлакатга кўчиб ўтишда, талаба одатда банкдаги ҳисоб рақамларида маълум миқдорда пул борлигини кўрсатишлари керак, бу эса баъзи давлатларда қиммат – масалан, Норвегия учун йилига 9,5 минг евро), талабаларнинг пассивлиги, янги қоидаларни талқин қилишда ўзбошимчалик (бу эса таълим сифатини пасайишига, бакалавриат



дастурининг тузилиши билан боғлиқ муаммоларга олиб келади).

Шунга қарамай, умумлашган таълим тизимига қўшилишнинг афзалликлари кўпроқ. Таълимни таъминлашда изоляцияга йўл қўйишдан кочиш керак, бугунги глобализация жараёнларига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш мамлакатимиз келажаги учун жуда муҳим ҳисобланади. Таълим дунёвий илмий-интеллектуал, бадий-эстетик ва маънавий-ахлоқий маданият ютуқларини ўзлаштириш жараёнидир ва ҳақиқий таълим миллий-давлат чегараларини тан олмасдан жаҳон тажрибаларига асосланган бўлиши ҳар қандай давлат келажаги учун кучли омилдир.

Хозирги кунда жаҳон амалиётида таълим дастурларини амалга оширишда умумий меҳнат қуввати ва таълим сифати ўлчови сифатида қараладиган кредит тизимлари қулланилади. Ушбу тизимларнинг кенг тарқалган тизими АҚШ кредит тизими (USCS), Британия кредитларни йиғиш ва узатиш тизими (CATS), Европа кредитни узатиш тизими (ECTS) ва Осиё –Тинч океани университетларининг кредитни узатиш тизими (UCTS).

Европа кредит тизими (ECTS) – Балония таълим жараёнининг асосидир, биринчи навбатта, талаба томонидан қабул қилинган таълимнинг умумий ўлчовларини танлаш учун восита сифатида яратилган.

Америка кредитни жамғарма тизими (USCS) нинг энг муҳим томони ҳар қандай таълим дастурининг интизомини кредит соатларида ўзлаштиришга сарфланган соатларнинг ўтказилиши ҳисобланади, уларнинг комбинацияси таълим даражасини аниқлайди.

Британия тизими (CATS) учун, энг муҳими, маълум бир фанни ўзлаштириш учун ажратилган кредитлар сони талабанинг билим ва кўникмасини тасдиқлашдир.

Осиё–тинч океани тизими (UCTS) фақатгина осие-тинч океани минтақасидаги бир университетта ўқиш даврида талаба томонидан олинган кредитларнинг айирбошлаш механизми сифатида ишлатилади, бу минтақада

жойлашган бошқа университетнинг кредитлари ёки бошқа жаҳон тизимларидан олинган кредитлар.

### **Европа кредитлаш тизими - ECTS (European Credit Transfer System)**

ECTS кредит тизими бир Европа университетидан бошқасига кўчиб ўтишда ўрганиш натижаларини ўлчаш ва таққослаш усулини ишлаб чиқишга қаратилган. Ушбу тизимни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг мақсади Европа университетларининг энг яқин ҳамкорлигига эришишдир: хорижий ўқув дастурларига кириш ва илмий тан олиншини таъминлаш. Ушбу тизим бир университет ичида ёки бир мамлакат университетлар ўртасида ҳам қўллаш мумкин. ECTS тизимида 60 кредит бир йиллик; 30 кредит – олти ойлик ўқиш даврига тўғри келади (семестр). Талабалар учун ECTS тизимини яратиш ва ривожлантириш зарурати қуйдагилар. Ушбу тизим:

- чет элда ўқишнинг академик тан олиншини кафолатлайди;

- бошқа университетларда тўла–тўқис ўқув курслари ва илмий ҳайтга киришни таъминлайди, бу тизимни кўплаб бошқа талабалар мобиллик дастурларидан ажратиб туради;

- чет элда кейинчалик таълим олиш имкониятини беради, чунки талаба чет элда ўқигандан сунг ўз ОТМ га қайтмаслиги мумкин, қабул қилган ОТМ да малака олиш учун ёки учинчи ОТМ га кетиши мумкин. Талаба диплом олиши учун қандай шартларни бажариши кераклигини университет ўзи ечади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, олий ва олий таълимдан кейинги таълим тизимида Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилишига шарт-шароитлар яратилади ва ўқув жараёнига анъанавий тизим ўрнига кредит тизими киритилади. Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилишининг зарурати таълим соҳасида рўй бераётган объектив воқеликлар билан боғлиқдир. Халқаро муносабатларнинг

тўлақонли субъекти бўлган Ўзбекистон ҳозирги халқаро тараққиёт тенденцияларидан четда тура олмайди. Мамлакатимизнинг Болонья жараёни таълим тизимига қўшилиши хорижий мамлакатлар билан олий таълим соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришни таъминлайди.

Ҳозирги кунда кредит тизими асосида Тошкент ахборот технологиялари университети таълим жараёнини олиб бормоқда.

Таълимнинг кредит тизимини жорий этишнинг асосий вазифалари:

- ривожланган давлатларнинг ахборот –коммуникация технологиялари соҳасидаги илғор тажрибалари ва тавсияномалардан фойдаланган ҳолда, халқаро таълим стандартларини жорий қилиш, Университет ва унинг филиалларини малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, сифатли ўқув дастурлари ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш орқали таълим сифатини ошириш;

- хорижий олий таълим муассасалари билан талабалар, профессор-ўқитувчилар, изланувчиларнинг алмашинув дастурларини кенгайтириш;

- замонавий таълим технологиялари ва укув жараёнларини ташкил этишнинг самарали шаклларини узлаштириш орқали педагог кадрлар салоҳиятини оширишга кўмаклашувчи рақобат муҳитини яратиш;

- талабага таълим дастурини мустақил шакллантириш имкониятини яратиш ва билимини баҳолашнинг ошкоралигини таъминлаш.

**Кредит тизимини асосий тушунчаларини қараб чиқамиз.**

«Кредит» - шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони, талабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

Кредитлар йиғиндиси семестрда - 30, ўқув йилида – 60, бакалавриятдаги ўқув даврида – 240 ни ташкил этади.

Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулотлари, мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади.

**Академик мобиллик** - кабул килувчи муассасада талабанинг вақтинча

таълим олиш даврида синов бирликларини узлаштириши ва уларни жўнатувчи муассаса томонидан тан олинishi;

**Мобиллик дастури** - таълим тўғрисидаги келишув асосида академик мобиллик даврида талаба томонидан узлаштирилиши лозим бўлган таълим дастури;

**Тьютер** - ( лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

**Эдвайзер-** (*advisor* - қадимги француз сўзи “*avisen*”, “ўйламоқ” сўзидан олинган ) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

**Фасилитатор** (ингл. **facilitator**, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — **фасилитатор** гурӯҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гурӯҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гурӯҳда соғлом коммуникацияни ўрнатиши, гурӯҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гурӯҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (*The International Association of Facilitators*) фаолият юритиб келмоқда.

**Модератор** - ( лот. *moderor* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

**Супервизор-** қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

**Silabus** - ўқув фани дастурининг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига

олади:

- ◆ Ўқув фаннинг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;

- ◆ Ўқув фанини ўрганиш мақсади;
- ◆ Ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- ◆ Календар-мавзувий режа, машғулотлар жадвали билан;
- ◆ Ўқитиш технологияси;
- ◆ Талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- ◆ Талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- ◆ Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати

Ўқитиш жараёнининг асосини:

- ◆ Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;
- ◆ Талабанинг мустақил ишида, ўқитувчи маслаҳатчи сифатида

иштирок этади;

- ◆ Талаба ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

**Ҳар бир талабага ахборот пакети** берилади, у қуйидагиларни ўз ичига

олади.

- ◆ Олий таълим муассасида ҳақида маълумот;
- ◆ Ўқув режаси;
- ◆ Ўқув жараёнининг графиги;
- ◆ Ўқув фанларининг мазмуни;
- ◆ Олий таълим муассасада қабул қилинган таълим тизимининг

методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар;

- ◆ Талабалар билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида

маълумотлар;

- ◆ Ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;
- ◆ Тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;
- ◆ Қўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар.

**ECTS** қуйидаги асосий тамойилларга таянди:

1. **Transferancy** – бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиклик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ Алмашиш схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;

- ◆ Олий ўқув юртлирининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир бирини имкониятларини ўрганиш;

- ◆ Олий ўқув юртлирида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

2. **Agreement** – Талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаталарини орасида тайёрлаш мазмуни, ўқиш тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарқни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

3. **Credits** – Host университетда (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post-университетда (талабани бошқа ОТМ га жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

4. **Таълимнинг инсонпарварлашуви** - бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобилиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлаш имкониятни беради.

5. **Таълимнинг индивидуаллаштируви** - бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70% ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70% ни, аудиториядаги иши эса

30% ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил этишга асос бўлиб хизмат қилади.

6. **Таълимнинг самарадорлиги** – гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70% гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан табиий қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

### **3.2. Таълимдаги инновацион хорижий тажрибалар.**

ECTS тизими Европада тез тарқалди ва кўплаб янги олий таълим қонунларига киритилди. Уни қўллаш қуйдаги мамлакатларда кенг қўлланилди: Греция ва Швеция (80%), Финляндия ва Польша (81,5%), Австрия (84%), Румыния (87%), Норвегия (90%), Ирландия ва Дания (93%) ECTS дан ташқари бошқа тизимлар кўпинча Буюк Британияда (45,5%) ва Турция (58%). Баъзи мамлакатларда кўпчилик ECTS ёки бошқа шунга ўхшаш тизимлардан фойдаланмайди: масалан, Португалия (34%), Болгария (38,5%) ва Венгрия (44%). Жанубий шарқий Европа мамлакатларида университетларнинг қарийб 75% кредит транзити сифатида ECTS ни жорий қилмаган.

#### ***Германия***

Европа иттифоқи талабалари ҳаракат дастурида Европа иттифоқи кредитни йиғиш ва узатиш тизимини ECTS ривожлантириш учун Европа иттифоқининг кенг қўламли пилот схемасига қатнашган Германия олий ўқув юртлари орқали SOCRATES / ERASMUS умумий Европа кредит тизимини яратишга ката хисса қўшди.

Мамлакатнинг олий таълим туғрисидаги қонун ҳужжатлари кредитлаш тизимини ва малака ошириш курсларини модулли қуришни назарда тутиши керак (Олий таълим муассасалари принципларини тартибга

солиш тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси, 3-қисм) 1999 йил 5 мартдаги Маданий ишлар вазирлиги конференцияси охириги марта 14 декабр 2001 йилда янгиланган бакалавр ёки магистрлик курсини жорий қилганида, таълим муассасалари курсининг модулли ва кредит тизимига асосланганлигини исботлашлари керак.

2000 йил декабр ойида Германия Академик алмашув хизмати (DAAD) томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 2000/2001 ўқув йилида Германияда 185 ОТМ, жумладан 93 та амалий фанлар университетлари ECTS ни тахминан 1340 та вилоятда – нафақат бакалавр ва магистр курс доирасида балки ананавий курсларда ҳам қуллади.

### ***Венгрия***

Венгрияда 1998 йил апрелда ҳукумат олий таълимга кредит тизимини киритиш буйича ва 2003 йили сентябрдан қуллаш буйича қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг мақсади ўқув режасини модернизация қилиш ва таълим дастури ислоҳати ва талабаларнинг ҳаракатчанлик даражасини ошириш. Ҳозирги вақтда Венгрия олий таълим тизими кредит тизимини университетларда муваффақиятли жорий этиш ва мослаштиришни таъминлашга қаратилган. Университетларнинг деярли ярми 2002 йил сентябр ойида жорий этилган ва қолган университетлар 2003 йил сентябр ойида ишга тушиши керак эди. Кредит тизимини жорий этиш учун маъсулиятни миллий кредит кенгаши ва кредит тизимини тадбиқ этиш учун маъсул бўлган махсус ташкил этилган гуруҳ жавоб беради.

Ўрнатилган принципларга мувофиқ, таълим вазирлиги талабаларнинг шахсий маълумотларини ва уларнинг таълимга оид маълумотларини ҳисобга олиш гуруҳлари учун бепул рўйхатдан ўтказиш учун махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқди. Вазирликнинг устувор фаолияти кредит ташкилотларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун муассасаларни профессионал ва технологик қўллаб қувватлашдир. Шу мақсадда вазирлик минтақавий ташкилотлар учун семинарлар ташкил этишади.



Яна бир муҳим масала—кредитларнинг тўпланиши асосида талабаларнинг индивидуал ўқув дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаш. Хукуматнинг 77/2002-сонли қарори ECTS дастурларининг ҳар бир кичик гуруҳга қуйилган талабларни белгилайди:

- асосий фан сохалари бўйича кредитлар, барча кредитларнинг нисбати ва кредитлар миқдори;
- асосий фанлардан йиғиш зарур бўлган кредит миқдори ва асосий фанлардан сайлаб олинган фанлар билан ҳоҳлаган фанлар бўйича кредитлар сонининг нисбати;
- амалий машғулотлар бўйича кредитлар;
- шу каби дастурлар учун умумий босқич ўқитишга тегишли кредитлар;
- имтихон натижаси бўйича кредитларнинг минимал ва максимал миқдори;
- битирувчи имтихонга юборилиши учун тилни мукамал даражада билишга имтихон топшириш;

Ҳозирги вақтда зарур ахборот базаси яратилмоқда, талаба кўрсаткичларини ҳисобга олиш дастурлари ташкил этилиб, қўллаб – қувватланмоқда, талабаларга кредит тизимига маслаҳат бериш бўлимида касбий таёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Венгер талабаларининг нисбатан кам ҳаракатчанлигини иноботга олган ҳолда ҳар бир ОТМ да ECTS жорий этилмайди. Лекин келгуси йилларда Венгрия Европа иттифоқига киришига ва ОТМ ларда ECTS ни қуллашга хисса қушиши керак бўлган халқаро талабаларнинг ҳаракатчанлигини ривожлантириш режалаштирилган.

### *Дания*

Дания 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб, олий ўқув юртларида имтихон топшириш бўйича ижройи буйруққа мувофиқ кредитлардаги таълим бирликларининг миқдорини кўрсатиши керак. Ушбу схема қонунчиликда

университетлар ҳақидаги янги қонун билан юридик мустаҳкамланган ва олий таълимнинг бошқа соҳаларида ҳам ижровий буйруқларга мувофиқ қўлланилади.

Европа иттифоқи тизимининг 1082 та кредит ахборот пакетларини ишлатиш буйича бир нечта лойихалар амалга оширилди, аммо улардан фойдаланиш мажбурий эмас. Барча ҳолатларда академик мақсадлар, мазмун, ўқув ва баҳолаш тизимининг тавсифлари билан маълумот пакетлари талабалар алмашуви муносабати билан университетлар томонидан қўлланилади. Ректорлар конференцияси ва шунга ўхшаш ташкилотлар кредитларни ҳисоблаш кўламини ундан фойдаланишни ўрганмоқда.

### ***Ирландия***

Ирландияда ECTS илгари мавжуд бўлган юқори малакавий кенгашлар тизимига муваффақиятли киритилди ва кўпгина Дублин технологик институтининг дастурларига киритилди. Шунинг билан бир қаторда Дублин шаҳри университети ва Лимерик университетига ҳам киритилди. Бошқа институтларда ECTS тизими ERASMUS ва SOCRATES дастури доирасида қўлланилмоқта.

Ирландия миллий малака бошқармаси кредит масаласига ўз яндошувини ривожлантириш учун бир қатор қадамлар қуйди. Умуман олганда ушбу яндошув хусусан кекса яшдаги талабалар учун миллий малака квалификациясини ушлаб туришга ёрдам беради. Хусусан, ушбу яндошув нафақат кредитларни тўплаш ва қайта ҳисоблаш, аввалги даврлардаги расмий тан олиними, балки кредит йиғиш ва қайта ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш буйича бошқарув стратегиясини тўлдиради. Бунда қушимча равишда Ирландияда мавжуд бўлган кредитларнинг қоидалари ушбу яндошувда ҳисобга олинади. Яндошув Европа ташаббуслари асосида амалга оширилади.

### ***Норвегия***

Норвегияда мавжуд кредит тизими илгари 20 та кредиттан иборат бўлиб, янги тизим буйича тўлиқ академик ўқув йили 60 та кредитга тўғри келади. Бундан ташқари, янги стандартлаштирилган рейтинг тизими жорий этилди. Баҳолашнинг А дан Е гача бўлган шкаласи ижобий натижа, F – кониқарсиз натижа деб ҳисобланди.

Янги кредит тизими ва янги баҳолаш тизими ECTS га эквивалент. Агар талаба мамлакатнинг турли таълим муассасаларида ўқишни хоҳласа, диплом турли олий ўқув юртларида ўқиш натижалари асосида берилиши мумкин, бу эса ўқувчини янада мобил қилиш имконини беради. Қонун буйича университетлар бир-бирларининг ўқув дастурларини тан олиши керак, агар турли ОТМ лар ўқув мазмуни такрорий бўлса.

### ***Польша***

Кредитни қайта ҳисоблаш тизими Польша олий ўқув юртларида яхши танилган. У давлат университетларининг 68% да ва нодавлат нотижорот ОТМ ларнинг 35% да қўлланилади. Давлат университетларининг 27% ушбу тизимдан барча профиллар учун фойдаланадилар. ECTS искуство, бизнес ва медицинага ихтисослашган кўплаб давлат ОТМ ларида қўлланилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ECTS тизими 100% университетлар ва техник университетлар томонидан қўллаб қувватланган. Нодавлат университетларга келсак, ECTS тизими асосан бизнес, банк ва филологияни ўқитадиган таълим муассасалари томонидан қўлланилади.

### ***Финляндия***

Финляндия 1970-йилларнинг охирида миллий кредит тизимини қабул қилди. Ушбу тизим Олий таълим тизими секторида қўлланилади ва талабанинг ўқув юкмасига асосланади: бир кредит талабанинг 40 соат ўқув юртига тенг. Ушбу миллий тизим 1-август 2005 йили тўғридан тўғри ECTS асосланиб ўзгартирилади, яъни университет илмий даража тузилмаси билан бир вақтда ўзгартирилади. Ушбу ислохат университетлар ва политехника институтларига таъсир қилади.

## **Америка кредит тизими (USCS - US Credit System)**

АҚШ нинг таълим дастурига «фанларни танлаш» киритилгандан сўнг ўқитилаётган фанларни таққослашга мухтожлик келиб чиқди. Коллежга ўқишга топшираётган абитуриентларнинг билим даражасини билиш АҚШ да «кредит тизимини» келтириб чиқарди.

Биринчи маротаба Гарвард университетининг президенти америка таълимининг атоқли арбоби Чарльз Элиот 1869 йили «кредит-tizими» тушинчасини киритти, яъни фанни кредитларда ўлчаш тизимини. 1879 йили ушбу тизим кулланилди ва 1892 йилдан «кредит тизимнинг» иккинчи этаби бошланди. Миллий таълим комитети кредит тизимини нафақат коллежда, ўрта мактабларда, бакалавр, магистр, ва докторлик таълим даражалари ҳам кредит миқдорида аниқланди. Шу вақттан буён «кредит тизими» доим янгилашиб келмоқда

Талаба фанни муваффақиятли ўрганиб чиқиб, фанга ажратилган кредит-соатни олади. У ушбу кредит-соатларни кейинги даражаларни олиш учун ишлатади. Талаба ютуғининг фарқлари баҳолаш билан белгиланади, кредит соатлари ўқув жараёнининг таркибий қисмини кўрсатади, лекин талабанинг билим даражасини билдирмайди.

Бошқача қилиб айтганда, кредит-соат берилган фанга кетган вақтни кўрсатади, у берилган фаннинг қийинчилигига алоқаси йуқ. Кредит-соат бу ўлчам бўлиб ўқитиш вақтига асосланган. Асосан бир кредит соат –бу бир семестр давомидаги ҳафталик 50 минутли дарслар. Аниқроғи: бир кредит-соат бу ҳафтага 1 соат лекция, 2 соат амалий машғулот, 3 соат лаборатория машғулоти қўшимча унга тайёргарлик, имтихонлар, зачетларни топшириш, уй вазифаси, курс ишлари.

Одатта АҚШ да талабалар семестр давомида 4-5 фан ўтади, курснинг нормаль юкламаси 15 кредит-соатга тенг. Бу, талабалар ҳафталик 15 соатлик аудитория юкламасига эга эканлигини билдиради. Курсатилган кредит-соатни йиққан талаба белгиланган даражани олади. Кредит-соат ва даража бири-бирига боғлиқ. АҚШ да бакалавр даражасини олиш учун ўртача

120 кредит-соат, магистр даражасига 30-35 соат талаб этилади. Аспирантлар ҳар семестр давомида ҳафтага 6 -12 кредит-соат олади.

Олий таълим тизимида кредит-соат ҳар хил формада қўлланилади, у давлат томонидан финанс сметасини тузишда асос бўлади. Кафедранинг ўқитувчилар ва талабаларнинг юкламаси кредит-соат билан аниқланади. Талабанинг кейинги курсга ўтиш масаласи, яна ўқиш ўчун тўловлар кредит-соат асосида амалга оширилади. Кредит-соатни беришда қарама-қаршилиқлар бор, лекин ҳар қандай шароитта ҳам кредит –соат смета ва харажатларни режалаштиришда муҳим ўрин тутди.

Кучсиз томонларига қарамастан "кредит-тизими" кенг қўлланилишга эга бўлди. У университетнинг кўп томонлама ишларини тартибга солиди: ўқув дастурини, ўқув режасини, машғулотлар жадвалини, талабаларнинг билимини баҳолашни, даража беришни, ўқиш учун тўламларни ва ҳ.к.

Ушбу тизим ўқитувчи ва талабанинг фаолиятини реал баҳолашга ёрдам беради, ўқитувчининг юкламасини аниқлашга ва талабанинг юкламасини тартибга солишга ёрдам бериб ишлашга имкон беради. Кредит тизими ўқиш эркинлигини беради, у эса бозор иқтисодиёти муносабатларига мос келади.

### **Америка университетларида кредит-соатларни қўллашга мисол.**

#### **Пенсильвания давлат университети**

Ўртача талабага бир кредит олиш учун камида 40 соат режалаштирилган факультет ишлари талаб этилади. Бунда вақт курсдан курсга қуйдагича тақсимланади: ўртача 1/3 вақт аудитория машғулотларига (лекция, семинар, лаборатория иши ва ҳ.к.) ажратилади, ва қолган 2/3 вақт бўлаги ўз устида ишлашга ажратилади.

Кредитлар яъни, аудитория ишлари, амалий машғулот, ёки лаборатория ишлари учта сон билан ифодаланади, у курс номидан кейин келади мисол учун (3:3:0):

- биринчи сон берилган курс учун максимал кредит миқдорини курсатади
- иккинчи сон аудитория вақтини кўрсатади (лекция, дискуссия,

тақдимот ва ҳ.к.)

- учинчи сон амалий машғулотларга ажратилган вақтни кўрсатади (лаборатория, студия, лойиҳа ва ҳ.к.)

*Жанубий Дакота тоғ-кончилик технологик университети*

Кредит соат-бу бир семестр давомидаги бир ҳафталик 3 соат аудиториялик ва аудиториядан ташқари машғулот.

Бир кредит соат-бу ўртача 2 соатни оладиган лекция машғулоти ва унга тайёргарлик. Ҳафтага бир кредит соат лаборатория машғулоти бу 3 соат аудитория ва 1 соат аудиториядан ташқари иш.

*Бакалавр буйича ўқийдиган талабаларнинг таснифи*

Йиғилган кредит буйича қабул комиссияси талабаларни янги, иккинчи курс, ўрта курс, юқори курсга ажратади.

0-31 кредит янги талаба

32-63 кредит иккинчи курс талабаси

64-95 кредитов ўрта курс талабаси

96 кредиттан кўп юқори курс талабаси

Кундузги бўлим талабаси 12 кредитга тенг фанни танлайди, ёзги семестрда 6 кредит.

Ўқув режани кредит-тизим асосида тузиш принципи оддий. У икки бўлимдан иборат: умумий ва профессионал. Профессионал қисмида фанларнинг рўйхати билан бир қаторда ҳафтада соат ва дарс машғулотлари, шунингдек тегишли кредит соатлари кўрсатилган.

*Америка университет ва коллежларида баҳолаш тизими*

Баҳо ахборот тизими ҳисобланади. Ушбу тизимга сақлаш, қайта тиклаш, ва талабанинг баҳо олиши каби ҳаракатлар киради. Булардан ташқари баҳо объектив ва ҳаққоний бўлиши керак. Таълим соҳасидаги педагоглар орасида талабанинг билимини баҳолашда тортишиш баҳс мунозара келиб чиқади.

Америка университет ва коллежларида баҳолашнинг камида 10 турли тизими бор. Кўпинча цифрли ва ҳарфли баҳолаш қўлланилади.

*Цифрли баҳолаш.* 1 дан 100 баллгача баҳолаш. Бу метод қўлланишда осон, вақт талаб қилмайди, лекин субъектив томонлари бор.

*Ҳарфли баҳолаш.* Университетларда анъанавий ҳарфли баҳолаш тизимини қўллайди. Анъанавий ҳарфли баҳолаш бу - A, B, C, D, F ҳарфлари плюс, минус белгилари билан.

*Баҳолашнинг бошқа турлари.* Баҳолашнинг шундай турларини қўллайди унда ҳарфли ва цифрли баҳолаш бирлаштирилган ва талабаларнинг ўзлари томонидан баҳоланадиган ёки барча талабаларни бир хил баҳолашни амалга оширади<sup>3</sup>.

### **Кредитларни тўплаш ва ўтказишнинг Британия модели (CATS - Credit Accumulation and Transfer Scheme/System)**

CATS - Credit Accumulation and Transfer Scheme/System – Бирлашган кироликнинг кредит тўплаш ва ўтказиш тизими. Ушбу тизим талабаларга ўқув институти провайдеридан ташқарида ёки ичкарида олинган кредитни йиғиш ва ўтказиш имконини берадиган келишилган шартлар ва усуллар тўпламига асосланади.

Буюк Британияда кредитни тўплаш ва ўтказишнинг бир нечта схемаси бор. Буюк Британияда берилган кредит талабаларнинг ушбу даражадаги таълим олиш натижаларига эришишнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаши, яъни уни уни ўрганиш жараёнини тугатгандан сўнг уни қандай намаён этишини биладиган, тушинадиган ва билимини тасдиқлайдиган таълимга мос келадиган таълимнинг малакасини баҳолашнинг миқдорий ўлчовидир.

Кредит ҳисоби тизимида кредитларни тўплаш механизми биринчи навбатта Буюк Британияда ишлаб чиқилган бўлиб, у кўплаб малака сертификатлари тизимини тартибга солиш ва бирлаштиришга қаратилган, ҳар бир тур учун аниқ кредит миқдори ажратилган.

**Англия, Уэльс ва шимолий Ирландия (EWNI) учун кредит ва малакаларнинг ягона тизимининг моҳияти**

<sup>3</sup> <http://www.europa.eu.int/comm/education/>; Д. Вадарч. Высшее образование США. НИИВО, 2001;

2001 йили сифатни таъминловчи агентлик томонидан (QAA) Англия, Уэльс ва шимолий Ирландия учун ягона кредит ва малака тизими ишлаб чиқилди (EWNI). EWNI кредит тизимининг мақсади қуйдагича:

- академик малака имтиёзлари олиш учун талабларни белгилаш, алоҳида ўқув юртлари даражасида стандартлаштиришни рағбатлантиришни изчил амалга ошириш.

- университетларга академик кредитлар олиш билан боғлиқ бўлган барча тамойилларни таъминлаш.

Кредит беришнинг асосий тамойиллари:

1. Кредит таълим олиш натижасида эришган ютуқлари учун, яъни ўқув жараёнини тамомлагандан сунг талаба билиши, тушиниши ва кўрсатиши керак бўлган нарсаларни амалда қилиши керак.

2. Ўқитиш натижалари икки параметр билан аниқланади: кредитлар сони ва билим даражаси.

3. Кредит сони ўрганиш натижаларига эришиш учун талаб қилинадиган шартли ўрганиш вақтида ифодаланган ўрганиш миқдори билан белгиланади (ушбу тизимда 1 та кредит=10 та шартли соат), -таълим кўлами билан аниқланади, бу талабанинг таълимнинг ушбу босқичида талаблари хисобланади.

Кредит тизимнинг асосий элементлари:

- Кредит;

- Таълим натижаси – талаба ўқув жараёни тугагандан сунг билиши, тушиниши ва амалда қўллаши шарт;

- Баҳолаш мезонлари – талаба ҳақиқаттан ҳам таълим натижаларини кўрсата олишини ўқитувчи параметрлар тавсифи буйича аниқлайди.

- Шартли ўқув вақти- талабаларнинг маълум даражадаги таълим

олиш натижалари учун тасдиқланган ўртача сарфланиши керак бўлган соатлар сони. Шартли вақтга қуйдагилар киради: ушбу даражадаги натижаларга эришиш билан боғлиқ барча тренинг, асосий амалий иш, лойиҳада ишлаш, ўз-ўзини тадқиқ қилиш ва билимларни баҳолашга



сарфланган вақт;

- Дескриптор даража - бу ўқувчига ҳар бир кредит даражада куйилган талаблар.

Масалан:

8-даража. Ихтисослашган илмий-тадқиқот соҳасига муҳим ва ўзига хос хисса қўшиб, методологияни ва ўз ҳамкасблари билан танқидий суҳбатлар ўтказиш қобилиятини намойиш этади.

7-даража. Мураккаб ва ихтисослашган билим ва кўникмалар соҳасини эгаллаш ва демонстрация қилиш, тадқиқотлар олиб боришда профессионал фаолиятини амалга оширишда мураккаб кўникмалардан фойдаланиш.

6-даража. Билим даражасини систематик равишда кенгайтириб бориш, умумлаштириш ва критик назардан қараш. Турли манбаларнинг янги ғоялари ва далилларини танқидий баҳолаш. Ташхис қуйиш ва ижодкорлик кўникмаларини узатиш ва қўллаш, бир қатор вазиятларга оқилона баҳо бериш.

5-даража. Абстракт даражада ғояларни концептуал таҳлили орқали генерация қилиш, махсус малакалардан фойдаланиш, мавҳум муаммоларга жавобларни шакллантириш.

4-даража. Тўлиқ маълумот базасини яратиш учун аниқ яндошувни ишлаб чиқиш. Тадқиқот стратегиясини режалаштириш учун бир қатор ихтисослаштирилган кўникмаларни қўллаш ва маълумотларни баҳолаш. Кутилмаган муаммоларга ечим топиш.

3-даража. Бир қатор мураккаб тадбирларда билим ва кўникмаларни қўллаш, шу билан бирга тегишли назарияни тушиниш. Ахборотларни мустақил равишда топиш ва таҳлил қилиш, оқилона хулосалар чиқариш, таниш ва номаълум контекстлардан жуда кўп вариантлардан танлов қилиш.

2-даража. Билимларни бир неча соҳада тўлиқ тушиниш билан қўллаш ва бир нечта контекстларда турли кўникмаларни қўллаш, улардан базилари қабул қилинган амалиётта одатий бўлмаслиги мумкин.

1-даража. Амалий билимларнинг унча кўп бўлмаган миқдорини

кўллаш, миқдори чекланган кўникма ва асосий тушинчалардан фойдаланиш.

Қабул қилиш. Бир нечта (кўп бўлмаган) билим сохаларида оддий тушинчаларни эсга олиш ва намойиш қилиш.

Бунда ҳар доим ҳам кредит даражаси ўқиш йилига мос келмаслиги мумкин. Дастур шундай тузилган бўлиши мумкин ўқишнинг иккинчи йилида талаба 3 ёки 4 даража кийинчиликтаги фанларни ўтиши мумкин;

- Баҳоланаётган бирлик (модуль ёки юнита)-аниқланган мантикий изчил таълим натижалари мажмуи, бу унга берилган кредитлар сони ва даражасини кўрсатади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Глобализация образовательного рынка: реформа университетов Центральной Азии: Четвертая ежегодная международная конференция Образовательной сети. 5-6 апреля 2004 г., Алматы, Казахстан.

2. Образование на основе системы кредитных часов (Система кредитных часов, структура учебных программ и степеней, аккредитации вузов: опыт США). – Алматы, 2004.

3. Ескиндинова М. Ж. «Основы кредитной системы обучения в странах мира» / Евразийский национальный университет им.Л.Н.Гумилева, Казахстан, 2017.

4. Иванкина Л.И., Мертинс К.В., Минин М.Г. Кредитная система как фактор мотивации повышения качества обучения в вузе, Вестник Бурятского университета. -2011.-№1.- С.153-159.

5.<http://www.umap.org/pdf/umapbook.pdf> UCTS Users' Guide. Доклад Ассоциации университетов и колледжей Канады (AUCC)

6.<http://www.aucc.ca/en/international/bulletins/creditrpt-e.pdf>

8. <http://www.europa.eu.int/comm/education>; Д. Бадарч. Высшее образование США.НИИВО,2001.

# IV БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШЎУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-МАШҒУЛОТ: Таълимдаги замонавий тенеденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш (2 соат)

#### 1-топшириқ.

Мавзунинг таянч ибораларига (модернизация, глобаллизация, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш) синквейн ёзинг.

#### 2 – топшириқ.

Тушунчалар таҳлили жадвалини тўлдиринг.

Тушунчалар	Мазкур тушунчаларнинг мазмунини қандай изоҳлайсиз...	Мазкур тушунчаларни таълим сифати менежментидаги ўрни нимада...	Қўшимча маълумот
Модернизация			
Глобаллизация			
Халқаролаштириш			
Инсонпарварлаштириш			

#### 3 – топшириқ.

Ўз соҳасингизга оид таълимдаги замонавий тенеденцияларни аниқланг, уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, кластер яратинг.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Тоғаев Ш. Ғоявий таълим-тарбияда фалсафанинг ўрни. –Т.:“STAR-POLIGRAF”, 2010.
2. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения.- М.:«ГЭОТАР-Медия», 2008, 43 с.
3. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с.
4. Абдулкеримов И.З., Эсетова А.М. Особенности управления интеграционными процессами в системе высшего образования // Вестник Дагестанского государственного технического университета: Технические науки. - № 4 (19). - 2010. - С. 115-119.
5. Кузьминых Ж.О., Красильникова Н.В., Пауэлл Г.М. СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ЕВРОПЕ И США // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 3.  
URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=20316>

**2- МАШҒУЛОТ: Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари.  
Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси.**

**Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион  
технологияларини амалиётга жорий этиш. Компетенцияларга  
асосланган ўқитиш.**

**(2 соат)**

1-топшириқ.

Ассесмент.

<p>Тест:</p> <p>1. Инновация бу...</p> <p>А. Такомиллаштириш</p> <p>Б. Янгилик киритиш</p> <p>С. Моделлаштириш</p> <p>Д. Янгилаш</p>	<p>Муаммоли топшириқ:</p> <p>Инновацион ғоя асосида инновацион лойиҳасини танловга тақдим эттингиз. Лекин лойиҳангиз ўтмади. Нима қиласиз?</p>
<p>Тушунча таҳлили:</p> <p>Таълим инновацияси бу..</p>	<p>Амалий кўникма:</p> <p>Инновацион таълим усулларига 5 та мисол келтиринг:</p>

**“Ассесмент” методи**

Ассесмент – инглиз тилидан кириб келган тушунча бўлиб, **assessment** - “**баҳо**”, “**баҳолаш**” деган маъноларни билдиради. Мазкур метод XX асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб илм-фанга кириб келган.

Кейинчалик «ассесмент» тушунчаси бизнес ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам қўлланила бошлади. Бу метод савдо компанияларида тажрибали топ-мененджерларни аниқлашда жуда қўл келган. XX асрнинг 50-йилларига келиб бизнес-психологлари томонидан корхоналарни тажрибали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ассесмент марказлари («The

Assessment Centre» - АЦ) ташкил этила бошлаган.

1956 йиллардан бошлаб фукаролик ташкилотларида ҳам Ассесмент марказлари фаолият юрита бошлаган. Масалан машхур «American Telephone and Telegraph Company» (AT&T) компанияси менеджерлик позициясига кандидатураларни танлаб олишда илк бор Ассесмент марказларидан фойдаланган. Тадбиркор, DDI деб номланувчи дунёдаги энг йирик баҳолаш компаниясининг асосчиси Дуглас Брей раҳбарлигида AT&T компаниясида ассесмент усулида лойихалаштирилган ҳамда ўтказилган ушбу танлов машхур Management Progress Studyнинг асосини ташкил этган. Психология фанида узок муддат давом этадиган лонгитюд тадқиқот иши илк бор Ассесмент марказларининг башорат (прогноз) қилувчи кучини ишонарли тарзда исботлаб берди. Тадқиқот натижаларининг кенг жорий этилиши АҚШларида, сўнгра бошқа давлатларда ҳам мазкур методни қўллашга бўлган қизиқишни оширди ва амалиётга чуқур кириб борди. Бугунги кунда бу метод Осиё давлатларида йирик компанияларда кадрлар менежментида қўлланилмоқда. Россияда эса мазкур метод 1990 йиллардан бошлаб қўлланила бошлади. Ўзбекистон шароитида эса бу тушунча педагогика, бевосита таълим ва тарбия соҳасига XXI асрда кириб келмоқда. Юртимизда ушбу методнинг педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида қўлланилиши ҳамда тажриба-синовдан ўтказилиши келгусида Ассесмент марказларининг ташкил этилишига замин ҳозирласа ажаб эмас.

#### **«Ассесмент» методининг мазмуни ва моҳияти**

Бир қарашда ассесмент тренинга жуда ўхшаш, яъни унда иштирокчиларга маълум топшириқ ёки бўлмаса ишчан ўйинлар тавсия этилади. Лекин бу иккала метод ўз мақсадларига кўра бир-бирларидан фарк қилади. Тренингларда асосан иштирокчиларнинг кўникма ва малакалари шакллантирилиб, ривожлантирилса ассесмент методида эса барча иштирокчиларнинг кучли ҳамда кучсиз томонларини намоён этиши учун имконият яратишдан иборатдир.

Ассесмент марказларида бир вақтнинг ўзида бир неча ходимларни баҳолаш мумкин. Ассесментга қатнашувчи биринчи гуруҳга топшириқ ва вазифаларнинг мажмуаси берилса, иккинчи гуруҳга олдиндин ишлаб чиқилган шкалалар бўйича топшириқлар берилиши мумкин.

Индивидуаль ассесмент инсоннинг ўзини қанчалик намоён этишини кўрсатиб, муайян вазиятларда унинг ўзини қандай тутишини моделлаштиради.

Демак, олдида кўйган мақсади ҳамда вазифалари нуқтаи назардан бирдек мазмунга эга бўлгани билан ассесмент марказлари билан индивидуаль ассесментлар ўзларининг кўйидаги жиҳатлари билан биридан фарқ қилади. Булар:

- натижаларнинг чуқурлиги ва аниқлик даражаси,
- натижаларнинг объективлик даражаси,
- ассесмент жараёнлари

Ассесмент марказлари оммавий баҳолаш йўли бўлса, индивидуаль ассесмент эса эксклюзив ҳамда аниқ метод ҳисобланади.

Мутахассисга таълим бериш ва ривожлантириш эмас, балки ушбу жиҳатларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш ассесментнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ассесмент марказларида ассесментларни тузувчи мутахассисларга нисбатан «ассессор» тушунчаси қўлланилади. Ассесмент тузиш ишлари ассесордан ўша соҳа бўйича чуқур билим, кўникма, малакани ва тажрибани талаб этади.

### **Ассесмент нима учун керак?**

1. Кадрларни раҳбарликка танлашда уларнинг салоҳиятини ҳамда самарали фаолият олиб бориш имкониятларини аниқлашда. Яъни юқори лавозимларга бир нечта номзодларнинг ичидан энг кучлисини танлаб олишда.

2. Ишхонада жуда кучли ходимлар фаолият юритиши мумкин. Лекин улар ўзларидаги бу жиҳатларни тўлиқ ишга солмаслиги ёки ишдан умуман кетиши ва аксинча ишда кучсиз ходимлар ишлаб қолиши мумкин.



Демак, ассесмент муайян соҳада фаолият юритаётган кадрларнинг келажак имкониятларини аниқлашда қолиши мумкин.

3. Кадрларнинг билим ва малакаларини оширишни режалаштиришда, тажриба алмашишларини ташкил этишда.

4. Кадрларни режалаштиришда. Агарда ассесмент натижалари ходимларнинг касбий компетентлиги қуйи даражада бўладиган бўлса, бу ҳолатни бартараф этишга доир махсус дастурлар ишлаб чиқишда ва ҳ.к.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш жоизки, ассесмент натижаларини баҳолашда қўйидаги жиҳатлар жуда муҳимдир:

1. Ходимнинг имкониятлари (у муайян вазиятларни бошқара оладими?).

2. Ходимнинг фаолият натижалари (у яхши ишлашга ҳаракат қиладими?).

3. Ходимнинг келажак имкониятлари (у қандай ишлаш кераклиги бўйича имкониятларга эгами?).

Бугунги кунда бу усул таълим соҳасига ҳам кириб келиб, талаба (тингловчи)ларнинг билим даражаси, кўникма ва малакаларини баҳолашга хизмат қилади.

Ассесмент орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг қўйидаги **даражаларини** объектив **баҳолаш** имкони туғилади:

- билим даражасини,
- касбий маҳоратини,
- касбий компонентлигини,
- индивидуал ўзига хос хусусиятларини,
- касбий салоҳияти ҳамда потенциал имкониятларини,
- мутахассиснинг олдида қўйилган талабларига жавоб бериш даражаларини объектив баҳолаш.

Баҳолаш ишлари мутахассиснинг реалъ моделлаштирилган машқларни бажаришдаги реалъ ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш орқали амалга оширилади.

2 – топшириқ.

Ўз инновацион фаолиятини SWOT-таҳлилини қилиб беринг.

**«SWOT-таҳлил» методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**S – (strength)** – кучли томонлари

**W – (weakness)** – заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunitu)** – имкониятлари

**T – (tnreat)** – тўсиқлар

3 – топшириқ.

Ўз кафедрасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тузиш.

4 – топшириқ.

SCAMPER усули асосида инновацияни яратинг (дарслик яратиш мисолида).

SCAMPER	Substitute (Алмаштириш)- нима билан алмаштириш мумкин? Combine (Бирлаштириш)- нима билан бирлаштириш мумкин? Adapt (Мослаштириш)- нима билан мойлаштириш мумкин? Modify/Magnify (Модификация бошқа тури (ҳолати))- Қандай яхшилашим мумкин? (катта, узокроқ, баландроқ, ортиқча ишланган, қўшимча функцияларни бажариш)
---------	--

	<p>Put To Other Uses (бошқа соҳаларда қўллаш)- Нима ўзгариши мумкин? (унинг миқёсидаги ўсиш ёки камайиши, шакли ўзгариши, белгилар (масалан, ранг) ва бошқалар)</p> <p>Eliminate (Қискартириш)- яна қандай ҳолда қўллаш мумкин?</p> <p>Rearrange/Reverse (Тартибини ўзгартириш) - Нимани қайта тиклаш мумкин? (Буюртмани ўзгартириш, компонентларни алмаштириш, тезлик ва бошқалар)</p>
--	---

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ермаков Д.С. Компетентностный подход в образовании// “Педагогика”. –2011. - № 4. – С. 8-16.
3. Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
4. Хрипко В.В. Горизонты интенсификации и инновационности обучения в вузе // «Альма Матер». – 2011 № 9.
5. Г.Ж.Ҳасанова. Саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш. 2006. БДУ – Т., - Б.11-12.
6. Иванов М.М., Колупаева С.Р., Кочетков Г.Б. США: управление наукой и нововведениями. - М.: Наука, 1990. - С. 23.
7. Яндиев М.И. Аналитический обзор: «Инновации в России»  
[www.humanities.edu.ru/HYPERLINK](http://www.humanities.edu.ru/HYPERLINK) ["http://edu.ru/"](http://edu.ru/).HYPERLINK  
["http://edu.ru/"](http://edu.ru/)ru

**3- МАШҒУЛОТ: Олий таълимни бошқариш тизимидаги инновациялар. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси. Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар..**  
(2 соат)

1 – топшириқ.

Кредит тизими бўйича кластер яратинг.

2 – топшириқ.

Кредит тизимининг хусусиятларини аниқланг ва анъанавий таълим тизими билан таққосланг ВЕНН диаграммаси асосида.

3-топшириқ.

SWOT-таҳлили асосида олий таълимдаги хорижий мамлакатларнинг таълим тизимини таҳлил этиб, ижобий томонларни таълим тизимимизга татбиқ этиш йўллариини таклиф этинг.

**Мисол учун:** Буюк Британия таълим тизими

<b>Кучли томонлар</b>	<b>Заиф томонлар</b>
<input type="checkbox"/> Таълим беришнинг юксак даражаси; <input type="checkbox"/> Кейинчалик иш топиш имкониятларининг юқорилиги; <input type="checkbox"/> Кўпчилик таълим муассалари юқори рейтингга эга, бу ОТМларда ўқишнинг статуси ва престижи ҳам баланд бўлиши; <input type="checkbox"/> Дипломини бутун дунё тан олиши; <input type="checkbox"/> Жуда яхши тил амалиёти; <input type="checkbox"/> Мазмунли ва ёрқин талабалик	<input type="checkbox"/> Виза олиш ва узайтириш жараёнидаги қийинчиликлар; <input type="checkbox"/> Катта конкурс ва кириш имтиҳонларидан «йиқилиш» эҳтимолининг юқорилиги; <input type="checkbox"/> Катта шартнома пули; <input type="checkbox"/> Профессор-ўқитувчилар билан талаба ўртасида мулоқотнинг камлиги; <input type="checkbox"/> Касбий, ихтисослик фанлар доирасининг чегараланган-лиги; <input type="checkbox"/> Талабалар сафидан чиқиш эҳтимолининг юқорилиги;

даври.	<input type="checkbox"/> Диплом олгандан сўнг ББ да қолиш имкониятининг пастлиги;
<b>Имкониятлар</b>	<b>Тўсиқ-хатарлар</b>
<input type="checkbox"/> ЎзР ОТМ да Буюк Британия таълим тизимини кенг жорий этиш; <input type="checkbox"/> ЎзР да Англия мактаблари, Олий мактаблари ва Университетларини филиалларини ташкил этиш; <input type="checkbox"/> Англия ОТМ ларида ўқишга кириш учун тайёрлов курсларини (IELTS, TOEFL) ташкил этиш; <input type="checkbox"/> Республикамизда мавжуд таълим тизимини такомиллаштириш; <input type="checkbox"/> Blender Learning тизимини жорий этиш.	<input type="checkbox"/> Республикамиздан хорижий давлатга валютани чиқиб кетиши; <input type="checkbox"/> Иқтидорли ва қобилиятли талабаларни хорижий давлатлардан юртимизга қайтмаслиги; <input type="checkbox"/> Европа таълим тизимини кириб келиши билан биргаликда уларнинг идеологиясини ҳам кириши; <input type="checkbox"/> Болаларни назорат қилиш имкониятини йўқлиги;

### Адабиётлар рўйхати:

1. Глобализация образовательного рынка: реформа университетов Центральной Азии: Четвертая ежегодная международная конференция Образовательной сети. 5-6 апреля 2004 г., Алматы, Казахстан.

2. Образование на основе системы кредитных часов (Система кредитных часов, структура учебных программ и степеней, аккредитации вузов: опыт США). – Алматы, 2004.

3. Ескиндинова М. Ж. «Основы кредитной системы обучения в странах мира» / Евразийский национальный университет им.Л.Н.Гумилева, Казахстан, 2017.

4. Иванкина Л.И., Мертинс К.В., Минин М.Г. Кредитная система как

фактор мотивации повышения качества обучения в вузе, Вестник Бурятского университета. -2011.-№1.- С.153-159.

5.<http://www.umap.org/pdf/umapbook.pdf> UCTS Users' Guide. Доклад Ассоциации университетов и колледжей Канады (AUCC)

6.<http://www.aucc.ca/en/international/bulletins/creditrpt-e.pdf>

8. <http://www.europa.eu.int/comm/education>; Д. Бадарч. Высшее образование США.НИИВО,2001.

V БЎЛИМ

ГЛОССАРИЙ

## VIII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<p><b>“Ассесмент” технологияси</b> <b>“Assessment technology”</b></p>	<p>Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами</p>	<p>A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students</p>
<p><b>Дастурий таълим</b> <b>Program education</b></p>	<p>1) ўқитишнинг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири</p>	<p>1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportunities of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies</p>
<p><b>Дидактик ўйинлар</b> <b>Didactic games</b></p>	<p>Ўрганилаётган объект, ходиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури</p>	<p>A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied</p>
<p><b>Ижодий лойиҳалар</b> <b>Creative projects</b></p>	<p>Индивидуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган</p>	<p>The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on</p>



	лойихалар	cooperation and individual activity
<b>Имитацион ўйинлар</b> <b>Imitation games</b>	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар	Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories
<b>Индивидуал таълим</b> <b>Individual education</b>	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
<b>Инновацион таълим</b> <b>Innovative education</b>	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
<b>Инновацион фаолият</b> <b>Innovative activity</b>	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social

	этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	requirements to traditional standards
<b>Иновация Innovation</b>	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
<b>Интерфаол таълим Interactive aducation</b>	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde
<b>Ишбилармонлик ўйинлари Business games</b>	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
<b>“Кейс-стади” технологияси “Case study” technology</b>	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
<b>Лойиҳалаш Projecting</b>	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият	An action aimed at developing the essence of an activity or process, acivity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means

	ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат	
<b>Лойиҳа</b> <b>Project</b>	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
<b>Лойиҳа методи</b> <b>A method of project</b>	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
<b>Лойиҳа таълими</b> <b>A study of project</b>	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics
<b>Маҳорат дарслари</b> <b>Master classes</b>	Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
<b>Модератор</b> <b>Moderator</b>	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	A pedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning
<b>Моделлаштириш</b> <b>Modeling</b>	Ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and

	моделни яратиш	system
<b>Модел</b> <b>Model</b>	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
<b>Модернизация</b> <b>Modernization</b>	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
<b>Модул</b> <b>Module</b>	1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
<b>Муаммоли вазият</b> <b>Dilemma</b>	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
<b>Муаммоли маъруза</b> <b>A problem lecture</b>	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
<b>Муаммоли таълим</b>	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга	Education aimed at developing students' competence and skills in

<b>Problem education</b>	ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммоли таълим технологиялари</b> <b>Problem education technologies</b>	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммо Problem</b>	Ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
<b>Новация</b> <b>Novation</b>	Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
<b>Педагогик муаммо</b> <b>Pedagogical problem</b>	Ҳал қилиниши зарур, бирок, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution
<b>“Портфолио”</b> <b>Portfolio</b>	Автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами	A set of autobiographical documents
<b>Ривожланиш</b> <b>Development</b>	Шахсининг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development

	мураккаб жараён	
<b>Ривожлантирувчи таълим</b> <b>Developing education</b>	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
<b>Ролли ўйинлар</b> <b>Role-playing games</b>	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
<b>Сюжетли ўйинлар</b> <b>Plot games</b>	Педагогик воқелик, ходисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
<b>Тадқиқот лойиҳалари</b> <b>Projects of research works</b>	Илмий изланиш характериға эға лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
<b>Таълим жараёнини лойиҳалаштириш</b> <b>Projecting the educational process</b>	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activities and its assessment
<b>Таълим инновациялари</b> <b>Educational innovations</b>	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results



<p><b>Таълим тизимини модернизациялаш</b></p> <p><b>Modernization of educational system</b></p>	<p>Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши</p>	<p>Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs</p>
<p><b>Технологик модел (паспорт)</b></p> <p><b>Technological model (passport)</b></p>	<p>Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат</p>	<p>A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics</p>
<p><b>Тьютор</b></p> <p><b>Tutor</b></p>	<p>Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий</p>	<p>A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer</p>
<p><b>Фасилитатор</b></p> <p><b>Facilitator</b></p>	<p>Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог</p>	<p>A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups</p>
<p><b>Франчайзинг</b></p>	<p>Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари</p>	<p>Rights that are given by partner universities to other universities for</p>

<b>Franchising</b>	томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши	carrying out distance learning courses
<b>Шахсга йўналтирилган таълим</b> <b>Student-centered education</b>	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
<b>Шахсни ривожлантириш</b> <b>Developing an individual</b>	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
<b>Эдвайзер</b> <b>Advisor</b>	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
<b>Ўйин технологиялари (ўйин таълими)</b> <b>Game technologies (game learning)</b>	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
<b>Ўқув лойиҳаси</b> <b>Learning project</b>	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product;



	<p>усули;  2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;  3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита</p>	<p>2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge;  3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence</p>
<p><b>Ҳамкорлик таълими</b>   <b>Cooperation education</b></p>	<p>Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим</p>	<p>Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process</p>
<p><b>Ҳамкорлик таълими технологиялари</b>   <b>Cooperation education technologies</b></p>	<p>Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар</p>	<p>Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process</p>

# VI БЎЛИМ

АДАБИЁТЛАР  
РЎЙХАТИ

## ҲҲ. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### І. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### ІІ. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги

“Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

2. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

3. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
4. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010.
5. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари – Т.: “Фан ва технология”, 2006
6. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с
7. Тимофеева Ю.Ф. Роль модульной системы высшего образования в формировании творческой личности педагога-инженера.// Вкшнее образование в России. №-4,1993, с119.
8. Информационные технологии в педагогическом образовании Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.
9. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition. 2014. - 176 pp.
10. Baldauf, M., Brandner, A. and Wimmer, Ch. 2017. Mobile and gamified blended learning for language teaching: studying requirements and acceptance by students, parents and teachers in the wild. In *Proceedings of the 16th International Conference on Mobile and Ubiquitous Multimedia* (Stuttgart, Germany — November 26 - 29, 2017). ACM New York, NY, 13-24. DOI=<http://doi.acm.org/10.1145/3152832.3152842>

#### **V. Интернет сайтлар**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)